БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 16 (12.369) | Шанба, 19 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИДА

БЕРЛИН, 17 январь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди уч кундан бери ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар Марказий Комитетнинг ҳисоботини—партия Марказий Комитети биринчи секретари В. Ульбрихтнинг «Социализм программаси ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг тарихий вазифаси» ҳақидаги докладини муҳокама қилмоқдалар.

Нотиқлар КПСС делегацияси бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчевнинг нутқи тўғрисида чуқур миннатдорчилик туйғулари билан гапирмоқдалар.

Съезднинг бугунги мажлисида биринчи бўлиб Польша Бирлашган ишчи партияси делегациясининг бошлиғи, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка сўзга чиқди. Бизнинг партиямиз, бутун поляк халқи, деди В. Гомулка, Германия масаласида Германия Бирлашган социалистик партиясининг позициясига тамомила қўшилади.

Биз Н. С. Хрушчевнинг нутқига бутунича ва тўла қўшиламиз, деди сўнгра В. Гомулка.

Совет Иттифоқи, деб давом қилди у, жаҳондаги асосий ҳал қилувчи кучдир.

Кариб денгизидаги танглик вақтида жаҳонни ядро фалокатидан қутқазиб қолганликлари учун Совет Иттифоқидан, КПССдан ва айниқса Ўртоқ Хрушчевдан бутун дунё, барча коммунистик партиялар астойдил миннатдордирлар, деди Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-Давлат Контроли Комитети ҳамда унинг жойлардаги органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқладилар.

Низомда айтилади, контролни ва ижрони текширишни тўғри ташкил этиш — Коммунистик партия ва Совет давлатининг янги жамият қуриш фаолиятидаги энг муҳим ленинча принципдир, партия ва давлат раҳбарлигини такомиллаштиришнинг, партиянинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлашнинг, оммани жамият ишларини бошқаришга тортишнинг энг зўр воситасидир. Мамлакатимиз коммунизмга яқинлаша борган сари, хўжалик қурилишига раҳбарлик мураккаблаша борган ва ишлаб чиқарувчи кучлар жуда кенг миқёсда ривожлана борган сари оммавий контролнинг роли тобора кўпроқ ошаверади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1962 йил) Пленуми КПСС XXII съездининг директиваларини бажариб, партия ва давлат контролини бирга қўшиш, коммунистларнинг кенг оммаси ва барча меҳнаткашлар қатнашган ҳолда, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган, доимий ишлайдиган контролнинг ягона системасини тузиш тўғрисидаги Ленин идеясини контроль системасига асос қилиб, мамлакатдаги контроль системасини тўбдан қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. В. И. Ленин совет контролини партия контроли билан пухта равишда қўшиб олиб боришни муваффақиятли ишлашнинг гарови, сиёсатимизнинг фавқулодда кучини таъминловчи манба деб билди.

КПСС Программасини бажаришда партия ва давлатга ёрдам кўрсатиш, партия ва ҳукумат директиваларининг амалда қандай ижро этилаётганлигини систематик равишда текшириб туришни уюштириш, коммунистик қурилишга раҳбарликни янада такомиллаштиришда, социалистик экономикани бутун норалар билан юксалтириш учун курашда, партия ва давлат интизомига ҳамда социалистик қонунларга риоя қилишда партия ва давлатга ёрдам кўрсатиб туриш, — дейилади Низомда, — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Партия-Давлат Контроли Комитетининг ва унинг жойлардаги органларининг фаолиятидаги асосий вазифадир.

Партия-давлат контроли органлари бутун социалистик хўжалигимизни чуқур кўздан кечириб туришлари, ишларнинг аҳволидан яхши хабардор бўлишлари ҳамда партия ва ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганлигига тўғри, объектив баҳо бериб туришлари лозим.

«Одамларни текшириб туриш ва ишларнинг ҳақиқатан ижро этилаётганлигини текшириб туриш — ҳозирги вақтда бутун ишнинг, бутун сиёсатнинг негизи мана шундадир, яна бир марта мана шундадир, фақат мана шундадир», деб В. И. Ленининг берган кўрсатмасига ўз ишларида оғишмай амал қилиш — контроль органларининг вазифасидир.

Ҳам коммунистларни, ҳам партиясизлар оммасини, хотин-қизларни, ёшларни контроль ишига жуда актив ва кенг равишда тортиш; қилинаётган ишларни меҳнаткашларнинг йиғилишлари, матбуот, радио, телевидение, кино орқали кенг кўпчиликка маълум қилиб туриш; совет кишиларининг хатлари ва шикоятларига, сигналлари ва таклифларига диққат ва эътибор бериш партия-давлат контроли органлари фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган ҳал қилувчи шартдир.

Партия-давлат контроли органлари оммавий халқ контролининг, энг демократик контролнинг амалий ташкилотчилари бўлишлари лозим, бундай контроль бironта капиталистик давлатда бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Партия-давлат контроли комитетлари партия ва ҳукуматнинг органлари бўлиб, текшириш ва жазолаш билангина шуғулланиб қолмасдан, шу билан бирга, энг муҳими, хатолар ва ҳар қандай суиистеъмоллар бўлишининг олдини оладилар, кадрларни тарбиялашда ҳамда уларни ишдаги камчиликларга ва янглишишларга йўл қўйишдан огоҳлантиришда, кадрларни хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга йўллашда КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига ёрдамлашиб турадилар.

Партия-давлат контроли комитетлари ва уларнинг жуда катта армияни ташкил этган ҳамма активлари ўз ишларини шундай ташкил этишлари лозимки, бюрократлар ва сансалорлик қилувчилар, текинхўрлар, порахўрлар, ўғрилар, спекулянтлар ва қўзбўямачилар ўзларининг жазоланишлари муқаррар эканлигини сезиб турсинлар, совет жамоатчилигининг улуғ кучи олдида қалтираб турсинлар.

Партия-давлат контроли органлари ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида туғилаётган янги, илғор, прогрессив ташаббусларнинг ҳаммасини актив равишда қўллаб-қувватлашлари, рағбатлантиришлари ва ривожлантиришлари, очиб ташланган камчиликларнинг йўқотилишига қатъият ва сабот билан эришишлари, ўтказилган текширишлар натижасида ишларнинг аҳволи яхшиланиши, партия ва ҳукумат директиваларининг ҳеч сўзсиз бажарилиши таъминланиши учун амалий чораларни кўришлари лозим.

Партия-давлат контроли органлари зиммасига юкланаётган вазифалар қарорларнинг ижросини текшириб туриш учун бўлган масъулиятни партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг гарданидан соқит қилмайди. Аксинча, дейилади Низомда, партия, совет, хўжалик, планлаштирувчи ва бошқа органларнинг, юқоридан тортиб то пастгача бутун партия ва давлат аппаратининг партия ва ҳукумат директиваларининг оғишмай ижро этилишини ташкил этиш учун бўлган масъулиятини ошириш зарур.

Партия-Давлат Контроли Комитети ўзининг бутун ишини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бевосита раҳбарлигида олиб боради ҳамда улар олдида ҳисоб беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-Давлат Контроли Комитети иттифоқ-республика органи бўлиб, Комитетнинг раҳбар ходимлари, касаба союзларининг, комсомол, матбуот, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг ҳаммаларининг ишончига сазовор бўлган вакилларидан иборат қилиниб тузилади.

Партия-давлат контролининг республика, ўлка ва область комитетлари иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг ва Министрлар Советларининг, ўлка ва область партия комитетларининг, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область Советларининг органлари бўлиб, тегишли партия комитетларининг пленумларида тасдиқланадилар. Уларнинг составига шу комитетларнинг раҳбар ходимлари, қўйи контроль органларининг, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, матбуотнинг вакиллари, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенция орасидан обрўли ўртоқлар аъзо бўлиб киради.

Мустақил иккита ўлка ва область партия комитетлари тузилган ҳамда меҳнаткашлар депутатларининг иккита ўлка ва область Совети тузилган ўлкалар ва областларда иккита партия-давлат контроли комитети ташкил этилади.

Шаҳар, район партия-давлат контроли комитетлари ҳамда колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари ва саноат зоналари бўйича партия-давлат контроли комитетлари республика, ўлка ва область партия-давлат контроли комитетларининг органлари бўлиб, улар ҳам тегишли партия комитетларининг пленумларида тасдиқланадилар. Комитетларга касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг, матбуотнинг вакиллари, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенция орасидан обрўли ўртоқлар аъзо бўлиб кирадилар.

Корхоналар, қурилишларда, колхоз, совхозлар, муассасаларда, уй бошқармалари ҳузурида партия-давлат контроли комитетларига кўмаклашиш группалари тузилади. Бу кўмаклашиш группалари партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг шу ташкилотларнинг йиғилишларида, шунингдек колхозчиларнинг, уй бошқармасида яшовчи кишиларнинг умумий йиғилишларида сайланган вакилларидан иборат бўлади. Кўмаклашиш группаларига ҳам коммунистлардан, ҳам партиясиз ишчи, колхозчи, мутахассис, хизматчи, олим, адабиёт ва санъат арбоби, рўзғор ишидаги аёллардан бўлган энг актив ва обрўли ўртоқлар вакил қилиб юборилиши лозим. Кўмаклашиш группаларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари группа аъзоларининг умумий йиғилишларида сайланади ва партия комитети ёки бошланғич партия ташкилотининг бюроси томонидан тасдиқланади. Энг йирик кўмаклашиш группаларида группа бюроси сайланиши мумкин.

Корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг цехлари, бўлимлари, участкалари, бригадаларида партия-давлат контролига кўмаклашиш группалари ёки постлари тузилади. Бу группалар ёки постлар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамда колхозчиларнинг йиғилишлари юборган вакиллардан ташкил этилади. Кўмаклашиш группалари партия ташкилотларининг ва партия-давлат контролининг тегишли маҳаллий органларининг раҳбарлигида ишлайдилар ҳамда ўз атрофларида бутун жамоатчилик контролини бирлаштирадиган ташкилотчи марказ бўладилар.

Кўмаклашиш группаларига ўзлари очиб ташлаган камчиликларни йўқотиш ва айби бўлган кишиларни жавобгарликка тортиш масаларини маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳамда партия-давлат контроли комитетлари олдига қўйишлари учун кенг имконият берилади. Кўмаклашиш группаларининг таклифларини корхоналар, қурилишлар, колхоз, совхозлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кўриб чиқадилар.

Кўмаклашиш группалари ўзлари қилаётган ишлар тўғрисида партия, касаба союз, комсомол йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг йиғилишларида вақт-вақти билан ахборот бериб турадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-Давлат Контроли Комитети ва унинг жойлардаги тегишли органлари партия ва ҳукумат директиваларини министрликлар, давлат комитетлари, идоралар ва бошқа ташкилотлар, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва муассасалар амалда қандай ижро қилаётганлигини бевосита ва зарур бўлиб қолган ҳолларда КПСС Марказий Комитетининг бўлимлари, СССР Министрлар Советининг аппарати, маҳаллий партия комитетлари, партия ва совет ташкилотлари билан биргаликда текшириб чиқадилар, халқ хўжалик планлари-

(Охири иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

МЕҲНАТКАШЛАРГА КЎПЛАБ САБЗАВОТ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент шаҳрига яқин зонадаги колхоз ва совхозларда сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш масаласини кўриб чиқдилар.

Тошкент областининг хўжаликлари 1962 йилда давлатга сабзавот сотиш планини бажарганликлари қайд қилиб ўтилди. Ўтган йили 1961 йилга нисбатан 22,7 минг тонна кўп сабзавот тайёрланди. Асосий сабзавоткор Калинин, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларининг колхозлари ва совхозлари давлат топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Шаҳар атрофи зонасидаги айрим хўжаликлар — Карл Маркс номли, «Ўзбекистон», Охунбобоев номли ва генерал Раҳимов номли колхозлар гектаридан 250-300 центнердан сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари ҳамда 150-200 центнердан картошка олдилар. Шу хўжаликларда бир центнер сабзавотнинг таннархи 4-6 сўм, полиз экинлари маҳсулотларининг таннархи 2-3 сўм ва картошканинг таннархи 6-7 сўм бўлди.

Лекин, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси, Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» Партия ва Ҳукуматнинг сабзавот ҳамда полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини тўла амалга ошириш учун тегишли даражада ташкилотчилик қилганлари йўқ.

Кўпгина хўжаликларда ана шу экинлардан кам ҳосил олинди. Ихтисослаштирилган айрим сабзавоткор совхозлар бир неча йилдан буён сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка етиштириш ҳамда шу маҳсулотларни давлатга сотиш планларини бажармаяптилар. Маҳсулот таннархи жуда қиммат.

Ҳосилдорликнинг пастлиги ва етиштирилаётган маҳсулот таннархининг қимматлигига сабаб шуки, сермеҳнат ишлар тўла механизациялаштирилмаётир. агротехника қоидалари бузилмоқда, илғор хўжаликларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилмаётир. Кўпгина колхозлар ва совхозлар барча майдонга яхши сараланган уруғларни экишга ўтганлари йўқ. Уруғ етиштириш яхши йўлга қўйилмаган.

Экин майдонларининг структурасини яхшилаш секинлик билан амалга оширилмоқда. Бригадаларни ихтисослаштириш бузилмоқда, натижада ишларни кенг механизациялашга имкон бўлмаётир. Ҳамма колхозлар ва совхозларда ҳам бригадалар хўжалик ҳисобига кўчирилмаган, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари етиштирилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ҳамда унинг таннархига қараб ҳақ олаётганлари йўқ. Янги ерлар суст ўзлаштирилмоқда. Парник хўжаликларида сабзавот етиштириш қониқарсиз ташкил этилган, бу иш қимматга тушмоқда.

Шаҳар атрофи зонасидаги колхозлар ва совхозлар сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан бу йил мўл ҳосил етиштириш учун тегишли чораларни кўрмаётирлар. Катта майдонлар ҳалигача шудгор қилинмаган, парник-теплица хўжалиги секин тайёрланмоқда, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, экишга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар кечиктирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» давлат ва кооператив йўли билан сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка савдосини уюштирмадилар. Сабзавоткор колхозлар ва совхозлар дўконларга биркитиб қўйилмаган, шунинг учун улар ўз маҳсулотларини тайёрлов пунктларига топширишга мажбур бўлмоқдалар. Бу — маҳсулотнинг нобуд бўлиши ва сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва картошкани асраш яхши уюштирилмаган. Сабзавот сақланадиган жойларда сўкчаклар, хирмонлар қурилмаган, юк тушириш ва ортиш механизациялаштирилмаган ва холодильниклар ўрнатилмаган.

Бу ва бошқа камчиликларнинг содир бўлаётганига сабаб шуки, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларини ва картошка етиштириш планларини ҳамиша бажармаётган колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан юксак талабчанлик қилмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Калинин, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармалари зиммасига Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хати ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорига биноан ҳар бир картошка етиштирадиган хўжаликда ўтган қишлоқ хўжалик йили якунини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, камчиликларни тугатиш, ҳосилдорликни ошириш резервларини қидириб топиш, шу йилиёқ янги экинлари ўзлаштириш ҳисобига 1963 йил планида сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка етиштиришни анча кўпайтиришни кўзда тутиш вазифасини юклади. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг барча звеноларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларга илғор иш методларини ўргатиш, шаҳар атрофидаги хўжаликларга раҳбарликни тўбдан яхшилаш керак.

1963 йилда Калинин, Юқори Чирчиқ (Бўстонлиқ зонаси) ва Ўрта Чирчиқ (Оҳангарон зонаси) ишлаб чиқариш бошқармалари бўйича 78 минг тонна картошка, 135 минг тонна сабзавот, 40 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш топшириғи берилсин. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг Тошкент шаҳри атрофидаги зонада бўлган колхозлар ва совхозлар 1963 йилда 7796 гектар майдонга картошка, 8998 гектар майдонга сабзавот ва 2400 гектар майдонга озиқ-овқат полиз экинлари экиш ва кўчат ўтқазишни кўзда тутганликлари ахборотга олинсин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига 1963 йилда барча колхозлар ва совхозларда гектаридан камида 120 центнердан картошка, 175 центнердан сабзавот ва 200 центнердан полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш, сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари ҳамда картошка етиштириш ва бу маҳсулотларни асраши ҳисобига олишда тартиб ўрнатиш учун социалистик мусобақани уюштириш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, Сув хўжалиги, Савдо министрликларига, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига ва «Ўзбекбирлашув»га Тошкент шаҳри атрофи зонасида бўлган хўжаликларда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли қарорларида сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети зиммасига шаҳар атрофи зонасидаги хўжаликларни ихтисослаштириш ишларини бундан кейин ҳам давом эттириш, ёрдамчи хўжаликларнинг ерларини колхоз ва совхозларга топшириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик министрлигига алмашлаб экишни ҳисобга олган ҳолда икки ҳафта ичида ҳар бир бригадада уч-тўрт хилдан ортиқ бўлмаган асосий экин экишни, экинларни жойлаштириш ва сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошкани бирин-кетин экиш ҳамда такрор экин экиш учун ердан тўлароқ фойдаланиш учун схемаларни қараб чиқиш ва тасдиқлаш таклиф қилинди. Экономика институти, Картошка ва сабзавот-полиз экинлари институтига бир ойлик муддат ичида картошка ва сабзавотчилик ишларида трактор ва қўл меҳнати учун иш нормалари ва ҳақ тўлаш системасини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қараб чиқиши учун тақдим этиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига:

сабзавот-полиз экинлари ва картошка экиладиган суғориладиган карталарни йириклаштириш ва 4200 гектар майдонда комплекс ер текислаш ишини ўтказиш;

сабзавот-полиз экинлари ва картошка экиладиган ҳамма майдонларга минерал ва органик-минерал ўғит солиш;

сабзавот, полиз экинлари ва картошка экиладиган майдонларга солиш учун агротехника нормаларига биноан гўнг ва бошқа маҳаллий ўғит тайёрлаш ҳамда шу экинларга солиш, шунингдек чиринди тувакча тайёрлаш учун етарли миқдорда гўнг жамғариб қўйиш;

(Охири иккинчи бетда).

Н. С. ХРУШЧЕВ ГДР ЧЕГАРАЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

БЕРЛИН, 17 январь. ТАСС махсус мухбирлари В. Селиверстов ва К. Саввин хабар беришади:

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигида Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездида қатнашаётган КПСС делегацияси Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегарасида хизмат қилаётган чегарачилар ҳузурида бўлди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт, шунингдек Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони, армия генерали И. И. Якубовский ҳам улар билан бирга чегарачилар ҳузурида бўлишди.

Маҳаллий вақт билан соат 13 да автомашиналар колоннаси Фридрихштрассе контроль пунктига келади. Чегарачилар меҳмонларни қизғин табриклайдилар. Берлин коменданти генерал-майор Поппе рапорт беради:

Чегарада осойишталик, контроль пункти нормал ишлаб турибди.

Н. С. Хрушчев ва В. Ульбрихт ўртоқлар комендант билан, Германия Демократик Республикасининг шу ерда ҳозир бўлган миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофман, офицерлар, чегарачилар ва солдатлар билан саломлашадилар. Штабс-ефрейтор Гюнтер Загольски Германия Демократик Республикасининг чегарачилари номидан совет меҳмонларини табриклайди. Н. С. Хрушчевга ва В. Ульбрихтга гулдасталар тақдим этишади.

Меҳмонлар чегара иншоотларини кўриб чиқишди. Сўнгра улар чегара олдига келишди.

Чегара олдида тўпланган Берлин аҳолиси, шунингдек контроль пункти орқали ўтиб бораётган чет эл туристлари меҳмонларни дўстона табриклашди. Италия ва Франциядан келган туристлар билан тўлқинланган тирувчи учрашув бўлди. Улар автобуслан тушиб, Н. С. Хрушчев билан саломлашадилар.

«Яшасин Хрушчев!», «Ура!», «Вива!» деган табрик садолари эшитилади.

Делегация Германия Демократик Республикаси миллий халқ армиясининг биринчи чегара бригадаси бўлинмаларидан бири турган жойга борди. Бўлинманинг шахсий состави азиз меҳмонларни «ура» садолари билан кутиб олади. Бригада командири, полковник Чичке Н. С. Хрушчевга ва В. Ульбрихтга рапорт беради. Солдатлар уларга гулдасталар тақдим қилишади. Бузилмас Германия — Совет дўстлиги яшасин деган хитоблар янграйди.

Сўнгра делегация аъзолари бўлинманинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари билан дўстона суҳбатлашдилар. Ефрейтор Куц жангчилар номидан ўртоқ Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати ўтказиб келаётган тинчликсевар сиёсат учун самимий ташаккур айтади. Биз, дейди у, Германия Демократик Республикасининг Ғарбий Берлин билан бўлган чегарасини бардам туриб ҳимоя қилишга ва «фронт шаҳри» томонидан бўладиган ҳар қандай ғиғвогарликларни даф қилишга ваъда берамиз.

Бунга жавобан Н. С. Хрушчев империалистлар томонидан янги қирғин уруш бошланишининг олдини олмоқ учун ҳамма кучларни тинчлик йўлида курашга бирлаштириш зарурлигини айтди. У, чегарачиларга Германия Демократик Республикаси аҳолисининг тинч меҳнатини ҳимоя қилишда, чегараларни муҳофаза қилиш ишида муваффақиятлар тилади.

Чегарачиларнинг илтимосига биноан В. Ульбрихт ва Н. С. Хрушчев ҳурматли меҳмонлар дафтарига қўл қўйдилар. Уларга Бранденбург дарвозасининг макети ва альбомларни эсдалик совға қилиб тақдим қиладилар.

Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт, КПСС делегациясининг аъзолари чегарачилар билан самимий ҳайрлашадилар. Бўлинма жангчилари меҳмонларни кучли «ура» садолари билан кузатиб қўйдилар, «Фрейндшафт!», «Дўстлик!», «Совет Иттифоқига шон-шарафлар!» деган хитоблар янграйди.

* * *

БЕРЛИН, 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев бошчилигида Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съезди ишида қатнашаётган КПСС делегацияси Ғарбий Берлин билан бўлган чегарадаги Фридрихштрассе контроль пунктини бориб кўрди. Делегацияга Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт ҳамроҳ бўлиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 28 ва 44-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Область сайлов комиссиялари ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг қуйидаги состави тасдиқлансин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

1. Меҳнаткашлар депутатлари область (саноат) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **САМОИЛОВА Раиса Сергеевна** — касаба союзлари область советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **БУРИБОЕВ Абубакри** — область маданият бошқармасининг ходимлари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **КУРБАТОВА Нина Алексеевна** — Андижон Давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

МУИДИНОВ Абдусаттор — Андижон машинасозлик заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ГЛУХОВА Людмила Петровна — Андижон шаҳар ёг-мой комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ИБРОҲИМОВА Тамара Маҳмудовна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (саноат) ташкилотидан.

МАТКАРИМОВА Қумрихон — Андижон шаҳридаги Володарский номли тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ДАЛАБОЕВ Усмонали — Наманган шаҳридаги сунъий тола заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

АКСЕНОВА Мария Федоровна — Ленинск шаҳридаги 5-ёг заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

УСМОНХЎЖАЕВ Неъмат — «Андижон» нефть конининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

СОДИҚОВА Ҳадя — Наманган шаҳридаги трикотаж фабрикасининг касаба союз ташкилотидан.

МУРОДОВА Адилма — Андижон шаҳридаги бадиий шойи тўқиш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ЯХЕЕВ Мамасоли — Ленинск шаҳридаги 6-авторемонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

2. Меҳнаткашлар депутатлари область (қишлоқ) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **КАРИМБОЕВА Омина** — қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзининг область комитетидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **ПОШОЕВ Фахриддин** — Наманган консерва заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **САМАР Николай Николаевич** — область (қишлоқ) коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ИСМОИЛОВ Абдурашид — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (қишлоқ) ташкилотидан.

ВАЛИЕВА Мавлуда — Учқўрғон районидаги 1-ўрта мактабнинг ўқитувчилари коллективидан.

ҚОДИРОВА Мунаввар — Изоскан колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Энгельс номли колхоз аъзоларидан.

АБДУЛЛАЕВ Маҳмуджон — Янгиқўрғон колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Қизилровот» пахтачилик совхозининг коммунистик ташкилотидан.

ЖАББОРОВ Холдорбой — Андижон шаҳридаги 3-пахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

СЛОБОДЯНЮК Мария Евдокимовна — маданият ходимлари касаба союзининг Андижон район комитетидан.

ЖУРАЕВ Йўлдош — Москва колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Шарқ юлдузи» колхози аъзоларидан.

АҲМАДЖОНОВ Абдураҳимжон — Андижон область қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг ишчилари ва илмий ходимларидан.

АБДУЛЛАЕВА Инобатхон — Хўжаобод колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» колхози аъзоларидан.

АЛИОХУНОВА Маҳлурат — Андижон колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Калинин номли колхоз аъзоларидан.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Область сайлов комиссиясининг раиси **ЖУМАЕВ Сано** — касаба союзлари область советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **ҚОСИМОВА Бинафша** — Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **ЮРТАЕВ Василий Андреевич** — область коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

КУЗИНА Нина Васильевна — маданият ходимлари касаба союзининг Бухоро шаҳар комитетидан.

АНАНИШЕВ Андрей Николаевич — Бухоро шаҳар коммунистик ташкилотидан.

АҲМЕДОВА Ҳамида — Бухоро шаҳридаги «Партия XVI съезди» тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

(Охири иккинчи бетда)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Бошн биринчи бетда)

нинг бажарилишини контроль қилиб турадилар, саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқ учун, маҳсулот сифатини яхшиламоқ, маҳсулот таннархини камайтирмоқ ва меҳнат унумдорлигини оширмоқ учун ички резервларни ва фойдаланилмасдан ётган имкониятларни топиб берадилар; жуда қаттиқ иқтисодий тежаш учун, маблағлар ва моддий бойликларнинг тўғри ҳамда мақсадга энг мувофиқ равишда сарфланиши учун кураш олиб борадилар.

Партия-давлат контроли органлари давлат ва маъмурий бошқарув аппаратининг ишини яхшилашда, бу аппаратни янада арзонлаштириш ва такомиллаштиришда партияга ёрдам бериб туришлари; партия ва давлат интизомини бузиш ҳолларининг пайини кескин равишда қирқишлари, маҳаллийчилик, ишга идорачилик нуқтаи назаридан қараш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, хўжасизлик ва ноқонуний ҳаракатлар устида меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетларида ва сессияларида, министрликларнинг, давлат комитетларининг ва идораларнинг коллегияларида, партия комитетларининг мажлислари да, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг умумий йиғилишларида раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитишни тегишли органларга ва ташкилотларга тавсия қилиш; ташкилотлар, муассасалар ва мансабдор шахсларнинг ғайри қонуний, давлат манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган фармойишларини ва ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш; партия ва давлат қарорларини қониқарсиз бажаришда айбдор бўлган шахслар учун камчиликларни тузатиш муддатини белгилаш; зарур бўлган ҳолларда ишларни ўртоқлик судларига кўриб чиқиш учун топшириш; давлатга, кооператив ва жамоат ташкилотларига моддий зарар етказган мансабдор шахсларга пул начетларни ҳисоблаш; айбли бўлган кишиларни жавобгарликка тортиш, уларга интизом жазоси бериш, уларни пастроқ лавозимларга кўчириш, ишлаб турган мансабларидан четлаштириш; суиистеъмоллар ва бошқа жиноий ҳаракатлар тўғрисидаги материалларни айбли кишиларни жиноий жавобгарликка тортмоқ учун прокуратура органларига юбориш ҳуқуқига эгадирлар.

Низомда уқтириб айтиладики, партия-давлат контроли органлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан моҳирлик билан фойдаланишга, жазо чораларини қўлланишда ҳаддан ошириб юбормасликка, лекин ўз ҳаракатлари билан коммунистик қурилиш ишига зарар етказаётган шахсларга нисбатан шафқатсиз ҳам бўлишга мажбурдирлар.

Партия — давлат контроли комитетлари юқоридан то пастгача ўзларининг штатли аппаратлари билан бир қаторда штатсиз бўлимлар, доимий ва муваққат жамоатчилик комиссиялари тузадилар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг тавсияларига биноан партия-давлат контроли органларида ишлашга тортилаётган штатсиз инспекторлар ва контролёрларга эга бўладилар. Партия-давлат контроли органлари партия, совет, хўжалик органларининг, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасаларнинг ходимларини, министрликлар, давлат комитетлари ва идоралардаги ревизия комиссияларининг ва контроль-ревизия аппаратининг аъзоларини текшириш, контроль ревизия ишларини ўтказишга жалб қилишлари мумкин.

Партия-давлат контроли органлари ўз ишларини кенг кўпчиликка маълум қилиб туриш мақсадида матбуот, кино, радио ва телевиденеда актив фойдаланадилар; ўтказилган текшириш натижаларини ва шу текширишлар бўйича кўридган чораларни систематик равишда эълон қилиб турадилар; ишчи ва қишлоқ мухбирларини, журналистларни, ёзувчиларни, шоирларни, рассомларни контроль ишига жалб қиладилар.

Партия-давлат контроли органлари, дейилади Низомда, ўзларининг штатли ва штатсиз ходимларини, контролга кўмаклашиш группалари ва постларининг аъзоларини чинакам ленинча сифатларга ва характерга эга бўлиш, ўзларининг фахрли бурчларини бажариш учун партия ва давлат олдида юксак даражада масъулиятли бўлиш руҳида тарбиялайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИГА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошн биринчи бетда).

ИСОМИДДИНОВ Саид — Вобкент район касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

РАМАЗОНОВ Боймурод — Бухоро колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Карл Маркс номли колхоз аъзоларидан.

ҒАНИЕВА Вилоят — Навоий районидаги 3-мактабнинг ўқитувчилари коллективидан.

ҲИКМАТОВА Зебо — Ромитан колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» колхози аъзоларидан.

ОДИЛОВ Рамазон — Қоракўл колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Москва» колхози аъзоларидан.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

1. Меҳнаткашлар депутатлари область (саноат) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **ҲАЙИТОВ Муса Назарович** — Самарқанддаги Павлов номли медицина институтининг профессор-ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **САНЖАРА Надежда Никитовна** — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (саноат) ташкилотидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **АЛИШЕВ Владимир Яковлевич** — область (саноат) коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ЛЕБЕДКИН Филипп Игнатьевич — маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ишчилари касаба союзининг область комитетидан.

АБДУСАМАТОВ Файзи Мусанович — Самарқанд шаҳридаги Ленин номли «Красний двигатель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ШИРОГОРОВ Константин Константинович — ҳарбий хизматчи.

ҲАМИДОВА Раъно Аҳмаджоновна — Самарқанд суперфосфат заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ҚИЛИЧЕВА Шарофат Раҳматовна — Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ТУРСУНОВА Фароғат — Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

МАМАИСОҚОВ Турсун — Жиззах бинокорлик материаллари комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ТЕМИРБУЛАТОВА Холиса Абдураҳимовна — Жиззах оҳак заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

2. Меҳнаткашлар депутатлари область (қишлоқ) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **НИЕЗОВ Кенгаш Назарович** — Самарқанд шаҳридаги Бутуниттифоқ қорақўлчилик институтининг илмий ва техник ходимлар коллективидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **КУЗНЕЦОВА Евдокия Алексеевна** — қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзининг Самарқанд область комитетидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **САТТАРОВ Ҳазрат Ғаффорович** — область (қишлоқ) коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ТОҒАЕВ Мамашариф Убайдуллаевич — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (қишлоқ) ташкилотидан.

АҲМЕДОВА Мукар — Жиззах совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Жданов номли колхоз аъзоларидан.

СУЛТОНОВ Жўра — Самарқанд колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-наслчилик совхозининг ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

ИСЛОМОВА Раҳима Жовбўриевна — Каттақўрғон колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Крупская номли колхоз аъзоларидан.

ДАМИНОВА Адолат — Булунғур колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Красногвардейский» совхозининг ишчи ва хизматчилари коллективидан.

СОДИҚОВ Абдусалом — Пойариқ колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Пойариқ» совхозининг ишчи ва хизматчилари коллективидан.

КОМИЛОВА Рохила — Иштихон район касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

ХОЛМУРОДОВА Чиннихон — Пастдарғом районидаги 12-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Область сайлов комиссиясининг раиси **МУМИНОВ Ғайниддин Фазлиддинович** — касаба союзлари область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **БЕГИМОВА Зулфия** — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **ЗУФАРОВ Одил** — маданият ходимлари касаба союзининг Термиз шаҳар комитетидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ХОЛМУРОДОВ Холбой — Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти область бўлимининг президиумидан.

ПРОДАН Светлана Александровна — Шеробод колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Янгиобод» совхозининг ишчи ва хизматчилари коллективидан.

ЭРНАЗАРОВ Абдуҳаким — Термиз колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоларидан.

ХЎЖАҚУЛОВ Иброҳим — Шўрчи колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммуна» колхози аъзоларидан.

ТЕШАЕВА Муқаддам Тешаевна — Денов шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчилари коллективидан.

УСМОНОВА Саломат — Қарши колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинизм» колхози аъзоларидан.

БИЧКОВ Николай Демьянович — 165-қурилиш трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ШАРОФИДДИНОВА Раиса Дмитриевна — Дарё портининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ПАРТОЛЬЯН Валентина Арсеевна — Қарши шаҳридаги тикув фабрикасининг касаба союз ташкилотидан.

СУЛТОНОВ Қиём Абдуллаевич — «Шаргунъуголь» шахта бошқармаси капитал ишлар участкасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

1. Меҳнаткашлар депутатлари область (саноат) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **СОДИҚОВ Зоҳир** — касаба союзлари область Советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **ТУРСУНБОЕВА Тўхта** — Бекобод шаҳридаги Ленин номли мактаб ўқитувчилари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **САВИН Иван Михайлович** — Маданият ходимлари касаба союзининг область комитетидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ШМАКОВА Зинаида Петровна — Оҳангарон ГРЭС ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

АЛИҚУЛОВ Хўжа — Оҳангарон кўмир разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

РАЖИМАТОВ Фахриддин — Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестининг касаба союз ташкилотидан.

АГАРКОВ Борис Алексеевич — Олмалиқ шаҳридаги Қўрғошинкон конининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ҚАҲҲОРОВ Аброл — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (саноат) ташкилотидан.

ФОМИНА Надежда Андреевна — Чирчиқ шаҳар коммунистик ташкилотидан.

ВОСПИТАННИКОВА Надежда Ефремовна — Олмалиқ шаҳридаги Олтинтопқан комбинатининг касаба союз ташкилотидан.

НУРИДДИНОВ Саид — Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

КОПИТОВСКАЯ Мария Александровна — Янгийўл гидролиз заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

БАБКОВА Мария Тимофеевна — Бекобод цемент комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

2. Меҳнаткашлар депутатлари область (қишлоқ) Советига сайлов ўтказувчи

Область сайлов комиссиясининг раиси **ПИДАЕВ Исҳоқ Магомет-ович** — Маданият ходимлари касаба союзининг Тошкент область комитетидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **ХОЛИҚОВА Ҳайрихон** — область план комиссиясининг ходимлари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **УСМОНОВ Вали** — область (қишлоқ) коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

КРАСИЛЬНИКОВА Любовь Нестеровна — Гулистон колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхози аъзоларидан.

ОРТИҚОВА Мастура — Калинин колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номли колхоз аъзоларидан.

МИРЗАЕВ Маҳмуд Мирзаевич — Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг илмий ходимлари ва ишчилари коллективидан.

ҚОСИМОВА Хувайда — Калинин колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Назарбек» совхозининг ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

ҲАЙДАРОВА Раъно — Янгийўл районидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчилари коллективидан.

ОРТИҚОВ Абдулла — Янгийўл колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинизм» колхози аъзоларидан.

ҚОДИРОВ Ҳаким — Бўка колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тельман номли колхоз аъзоларидан.

УРАЗБОЕВА Ўлжахон — Юқори Чирчиқ колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «III Интернационал» колхози аъзоларидан.

ТЮПКО Валентин Афанасьевич — Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан.

ВОРОНЦОВА Вера Константиновна — Янгиер районидаги 5-участка касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Шаҳар сайлов комиссиясининг раиси **ОТАБЕКОВА Салтанат** — давлат муассасалари ходимлари касаба союзининг республика комитетидан.

Шаҳар сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **БРОДОВА Анна Ивановна** — шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Шаҳар сайлов комиссиясининг секретари **ДАВИДОВ Ерзан Карапетович** — Тошкент гарнизони ҳарбий хизматчиларидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ШИНГАРЕВА Светлана Васильевна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи шаҳар ташкилотидан.

ХАРИТОНОВ Михаил Тимофеевич — «Октябрь революцияси» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

КАМОЛОВА Суфия Закиевна — Экскаватор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

КОЛЕСНИКОВ Анатолий Петрович — Трактор йиғув заводи касаба союз ташкилотидан.

КАРИМОВА Мукаррам Каримовна — 1-тикув фабрикасининг комсомол ташкилотидан.

ИСАЕВА Муҳаббат — халқ хўжалиги институтининг профессор-ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

КОСОЙ Иосиф Абрамович — Маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ходимлари касаба союзининг группа комитетидан.

ЧИРКАСОВА Галина Григорьевна — Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

1. Меҳнаткашлар депутатлари область (саноат) Советига сайлов ўтказувчи.

Область сайлов комиссиясининг раиси **АБДУЛЛАЕВ Убайдулла** — касаба союзлари область Советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **МАҚСУМОВА Ҳакима Машариповна** — Фарғона музика мактабининг ўқитувчилари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **ОЛЬШАННИКОВ Виктор Яковлевич** — Маданият ходимлари касаба союзининг Фарғона шаҳар комитетидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

АЛИМОВ Собиржон — Фарғона нефть қайта ишлаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

АСАНОВА Роза Шокировна — Қўқон пайпоқ-йигирув комбинатининг коммунистик ташкилотидан.

БОРОДИН Владимир Валерьянович — 8-трестга қарашли 3-қурилиш бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ТЕШАБОЕВА Мунисхон — Марғилон ипак комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ТКАЧЕВА Александра Ивановна — Ванновский нефть қайта ишлаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ФАРБЕРОВА Алла Ильинична — область касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

БОЙҚЎЗИЕВА Дилбар — Қўқон шаҳридаги Охунбобоев номли тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ШЕНДРИК Александр Павлович — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (саноат) ташкилотидан.

2. Меҳнаткашлар депутатлари область (қишлоқ) Советига сайлов ўтказувчи.

Область сайлов комиссиясининг раиси **ШОКИРОВА Мақсуда** — қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзининг область комитетидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **БОЗОРОВА Гулсара** — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область (қишлоқ) ташкилотидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **МОИСЕЕВ Александр Владимирович** — Касаба союзлари Фарғона область советидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

АҲМАДЖОНОВА Энахон — Одтиариқ районидаги Максим Горький номли мактаб ўқитувчилари коллективидан.

АҲМАДЖОНОВ Зоиржон — Қува район касалхонасининг медицина ходимлари коллективидан.

ТУРСУНҚУЛОВ Турдиали — Ўзбекистон пахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

НАЗАРОВА Марҳабат — Олтиариқ колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхози аъзоларидан.

УМАРОВА Турсунхон — Охунбобоев колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Фарғона» колхози аъзоларидан.

УМРЗОҚОВ Меликўзи — Поп колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ленин номли колхоз аъзоларидан.

ХАЛИЛОВ Меликўзи — Ленинград колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Энгельс номли колхоз аъзоларидан.

ЭРМАТОВ Тоштемир — Киров совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ғаниобод» совхозининг ишчилари ва хизматчиларидан.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Область сайлов комиссиясининг раиси **ХУДОЙБЕРГАНОВА Ойбиби** — касаба союзлари область Советидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари **МАДРАҲИМОВ Отаназар** — В. И. Ленин номидаги Хоразм педагогика институтининг ўқитувчилари ва студентлари коллективидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари **НОВИЦКИЙ Борис Анатольевич** — область коммунистик ташкилотидан.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

ВАЛОВ Яков Васильевич — Урганч қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ОТАЖОНОВА Қурбон — Ҳазорасп колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» колхози аъзоларидан.

ҚОРАБОЕВА Раъно — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи область ташкилотидан.

ХУДОЙБЕРГАНОВ Зариф — Шовот колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Пахтакор» колхози аъзоларидан.

РАМҚУЛОВ Зокир Гибадуллич — Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзининг область комитетидан.

САПАЕВА Рўзика — Янгиариқ колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммунизм» колхози аъзоларидан.

ҚОДИРОВА Хонум — Урганч шаҳридаги В. И. Ленин номли тикув фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

АҲМЕДОВ Салай — Урганч темир йўл станциясининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

МАТРАСУЛОВ Бибижон — Хева шаҳридаги Гагарин номли саккиз йиллик мактаб ўқитувчилари коллективидан.

ВАСИЛЕВСКАЯ Лидия Васильевна — Медицина ходимлари касаба союзининг область комитетидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри. 1963 йил, 17 январь.

МЕҲНАТКАШЛАРГА КЎПЛАБ САБЗАВОТ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

(Бошн биринчи бетда)

Давлат план комиссияси, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда икки ой ичида Оҳангардаги чиқиндилардан шаҳар атрофи зонасидаги хўжаликларда ўғит сифатида фойдаланиш учун фабрикалар қурилиши тўғрисида таклиф киритиш;

сабзавот-картошка экадиган колхоз ва совхозларда агротехниканинг квадрат-уялаб экиш, тўғри бурчак-уялаб экиш ва эрта пишар сабзавот кўчатларини тувакчаларга ўтқазиш, бунда чиритилган гўнг-тупроқдан фойдаланиш, бетона ўтларга қарши курашда турли моддалар ва химиявий усулларни қўлланиш каби прогрессив агротехника усуллари жорий қилинишини таъминлаш;

заҳарли дориворларни ўз вақтида ташиб келтириш ва ҳар бир сабзавоткор колхоз-совхозда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик тадбирларни амалга ошириш;

механизатор кадрларга ва далада меҳнат қиладиган ишчиларга сабзавот, полиз экинлари ва картошкани механизация воситаси билан прогрессив усулда парвариш қилишни ўргатиш вазифалари юклатилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги министрлигига Картошка, сабзавот, полиз экинлари институти ҳузурида 100 киши ўқийдиган илғор тажриба мактаби очиш тўғрисида бир ой муддат ичида Министрлар Советига таклиф киритиш топширилди.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси зиммасига:

сабзавоткор колхозлар ва совхозларни биринчи ярим йилликда от асбоблари: ўғитлагич культиватор ва 14 панжали боронкалар билан тўла таъминлаш;

шаҳар атрофи зонасида бўлган колхоз ва совхозларга 1 июлгача 15,5 минг тонна азот, 16 минг тонна суперфосфат, 2 минг тонна калий тузи (1962 йилнинг учинчи кварталида етказиб берилган ўғитни ҳисобга олмаган ҳолда) минерал ўғитлари, шунингдек разнарядкада кўзда тутилганига биноан трактор ва машиналарни етказиб бериш вазифаси юкланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, партия ва совет органлари, ишлаб чиқариш бошқармаларига:

совхозларга раҳбарликни яхшилаш, ҳар бир совхоз бўйича 1963 йилда сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари ва картошка етиштириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва барча совхозларни рентабелли хўжаликларга айлантириш имконини берадиган ташкилий-техника тадбирлари комплексини аниқлаб чиқиш;

барча совхозларда ички хўжалик ҳисоби жорий қилиш, ҳар бир бригадага маҳсулот етиштириш ва бунинг учун қанча меҳнат сарфлаш юзасидан бериладиган топшириқни аниқлаш, ҳосилдорликнинг ортиши ва маҳсулот етиштиришнинг кўпайишидан, унинг сифати яхшиланишидан ва таннархи камайишидан ҳар бир ишчининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун барча ишчиларга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофот ҳамда рағбатлантириш тартибини кенг тушунтириш вазифаси юкланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига совхозларда ишчиларга тегишли қўшимча иш ҳақининг ярмисигача натура билан ҳақ тўлашга, 1963 йилда кўзда тутилган ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни амалга оширишга рухсат берилди.

Сув хўжалиги министрлиги ва Тошкент область ижроия комитетига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1962 йил 12 майда чиқарган қарорига биноан ирригация ва мелиорация ишларини амалга ошириш таклиф этилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг сортли бўлмаган уруғларини районлаштирилган соф навли сортлар билан тезда алмаштириш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзсортсемовош» ва ишлаб чиқариш бошқармаларига:

1963 йилда сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг фақат районлаштирилган сортларга ажратилган уруғларинигина экиш, айни пайтда ҳар бир хўжаликнинг уруғлик картошкага бўлган эҳтиёжини ўзида етиштирилган картошкадан ажратиб қўйилган уруғлик фонди ҳисобига таъминлаш;

«Бўзсув» совхозини Тошкент шаҳар атрофи зонасидаги хўжаликларни сортли уруғликлар билан таъминлаш учун ихтисослаштириш;

сабзавоткор 2-«Оҳангарон», «Партия XXI съезди» ва «Назарбек» совхозларини кичиклаштириш ва уларда қишлоқ хўжалик экинлари экиш ҳажмини белгилаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мустақил хўжалик бўлган «Тошкент» совхози тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу совхозга Картошка ва сабзавот-полиз экинлари институти экспериментал базасига қарашли ернинг бир қисми берилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига 1963 йилда 21 минг квадрат метр ҳажмида теплица қуриш, шу жумладан «Партия XXI съезди» совхозида 10 минг квадрат метр, Картошка ва сабзавот-полиз экинлари институтида бир минг квадрат метр, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 10 минг квадрат метр ҳажмида теплица қуриш, шунингдек 1963 йилда Тошкент шаҳар атрофи зонасида бўлган колхоз ва совхозларда парник ва маларини 100 минг донага етказиш таклиф этилди.

«Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига теплица қурилишини қурилиш материаллари билан таъминлаш топширилди. «Узгипросельстрой»га «Партия XXI съезди» совхози участкаларига теплица қурилиши типовой лойиҳаларини мослаштиришни тамомлаш. Қурилиш министрлигига эса шу совхозда 394 минг сўмлик қурилиш объектларини қуриш учун тўғридан-тўғри шартнома тузиш юзасидан қўшимча топшириқни бажариш таклиф қилинди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига теплицаларда 1380 центнер ва Парникларда 800 центнер эртанишар сабзавот етиштириш топшириғи берилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетига, шунингдек, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги зиммасига Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 1 апрелидаги колхоз ва совхозларда 10 минг тонна картошка, 5 минг тонна сабзавот, 2 минг тонна қовун сигадиган омборлар, 2 минг тонна туэланган сабзавот кетадиган ўра, 3 минг тонна карам, 1,5 минг тонна пиёзга мўлжалланган омбор қуриш тўғрисидаги қарорни тезроқ бажариш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент область ижроия комитетига бир ой муддат ичида 1963 йилда область колхоз ва совхозлари экадиган экиларнинг тури, экиш муддатлари ва давлатга топшириладиган маҳсулотларнинг турлари тўғрисидаги таклифларни тузиб чиқиш, Давлат план комиссиясига, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув»га бир ҳафта муддат ичида ана шу таклифларни кўриб чиқиш ва уни Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларини қабул қилишни тартибга солиш, янги тайёрлов пунктлари ташкил этиш, шунингдек, Тошкентда сабзавот-полиз экинлари маҳсулотлари, картошка, мева ва узумни бутун йил мобайнида ҳўллигича ҳам, қуритилган ҳолда ҳам кенг миқёсда давлат йўли билан харид қилишни уюштириш, сабзавот-картошка омборлари ва холодильникларни қиш мобайнида Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон ва Олмалиқ аҳолисига етадиган даражада маҳсулот асралишини таъминлайдиган миқдорда қуриш тўғрисида таклифлар киритиш топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА СЕССИЯСИ

17 январда Тошкент область меҳнаткашлар депутатлари саноат ва қишлоқ Советларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1963 йилги плани ва бюджети, шунингдек 1961 йилги бюджетнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот тасдиқланди.

Сессия И. Р. Раҳматовни Тошкент область саноат ижроия комитети раисининг ўринбосари, область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг раиси қилиб тасдиқлади. Область қишлоқ ижроия комитети раисининг ўринбосари, область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг раиси қилиб Ж. М. Маликов тасдиқланди. (ЎзТАГ).

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ САРИ

ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми касаба союзлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Касаба союзлари Ўзбекистон Советининг навбатдаги пленумида ана шу масала ишчанлик билан атрофлича муҳокама қилинди.

Музокара қатнашчилари касаба союзлари республика Советининг раиси С. Н. Нуриддинованинг докладини муҳокама қилиб, таъкидлаб ўтдиларки, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини қизғин маъқулламоқдалар, бу қарорларни жонажон Совет давлатининг куч-қудратини мустаҳкамлаш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш тўғрисида партиямиз тинмай кўрсатаётган ғамхўрликнинг янги ифодаси, деб билмоқдалар. Нотиқлар бундай деб уқтирдилар: коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда касаба союзлари олдига партия қўйган юксак вазифалар касаба союзларининг ташкилотчилик иши савияси анча оширилган тақдирдагина муваффақият билан бажарилиши мумкин. Касаба союзларига қонун чиқаришда ташаббускорлик кўрсатиш ҳуқуқи ҳамда илгари давлат органлари бажариб келган баъзи бир функциялар бериб қўйилганлиги муносабати билан уларнинг роли янада ошади.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантириш учун курашга зўр ҳисса қўшиб келаётганликлари докладда ва нутқларда айтиб ўтилди. Етти йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда касаба союзларининг роли оширилганлигини кўрсатувчи мисоллар келтирилди.

Айни маҳалда ишлаб чиқариш экономикасини чуқур ўрганмаётган, меҳнат ҳақидаги қонунларга қаттиқ риоя қилиш, меҳнат муҳофазасини, хавфсизлик техникасини, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсат

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ХАЛҚЛАР Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

ПРАГА

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ЧЕХОСЛОВАКИЯ МАТБУОТИДАГИ АСОСИЙ ТЕМА БЎЛИБ ҚОЛДИ. ГАЗЕТАЛАР КАТТА САРЛАВҲАЛАР ОСТИДА НУТҚНИНГ ТЎЛА ТЕКСТИНИ ЁКИ БАТАФСИЛ БАЁНИНИ ВА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ФОТОГРАФИЯЛАРИНИ БОСИБ ЧИҚАРМОҚДАЛАР.

«МЛАДА ФРОНТА» ГАЗЕТАСИНИНГ БИРИНЧИ САҲИФАСИДАГИ КАТТА САРЛАВҲАДА ҚУЙИДАГИ СЎЗЛАР ЁЗИЛГАН: «Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИДАГИ МУҲИМ НУТҚИ. ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ — ИНСОНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ ВАЗИФАСИДИР». (ТАСС).

ВАРШАВА

Польша жамоатчилиги, матбуоти, радио ва телевиденесининг эътибори Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездида сўзлаган нутқига қаратилган. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг нутқини ва Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездининг иши ҳақидаги материалларни катта сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар.

«Трибуна люду» газетаси Н. С. Хрушчев нутқининг тўла текстини эълон қилиб, бу нутқ Германия Бирлашган социалистик партияси VI съезди қатнашчиларининггина эмас, балки бутун дунёнинг ҳам диққат марказида турибди, деб таъкидлайди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси бу нутқида, деб ёзади газета, ҳозирги халқаро аҳволни чуқур анализ қилиш билангина қолмай, шу билан бирга халқларнинг тинч-тотув яшаши ва жаҳон коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашнинг муҳим программасини ҳам баён қилиб берди.

(ТАСС).

ТОКИО

Бош министр Хрушчев Кариб денгизидаги танглик вақтида бўлганидек, ақл-идрок ва вазминлик билан иш кўраётганлигини яна намойиш қилди, деб ёзади Япониянинг таъсирли «Асахи» газетаси Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси съездида сўзлаган нутқини шарҳлаб. Н. С. Хрушчев, деб таъкидлайди газета, халқаро коммунистик ҳаракатни, коммунистик мамлакатларнинг жипслиги ва бирлигини ҳимоя қилмоқда.

Совет Иттифоқи бош министри Н. С. Хрушчевнинг Куба воқеалари вақтида кўрган чораларига, шунингдек унинг тинч-тотув яшаш йўлини амалга ошириш мақсадида сарф қилаётган куч-ғайратига биз юксак баҳо берамиз, деди Япония Социалистик партияси халқаро бўлимининг мудири Вада. Биз, деди у, бош министр Н. С. Хрушчевнинг чўл-биёбонга айлантирилган, радиоактив қолдиқлар билан заҳарланган ерда коммунистик цивилизация ўрнатишни таклиф қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги гапларига айниқса қўшиламиз. Ядро синовларини тақиқлашнинг дадил конкрет идеяси амалга оширилишини биз биринчи навбатда истар эдик. (ТАСС).

БУХАРЕСТ

Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездида сўзлаган нутқини Руминия жамоатчилиги зўр қизиқиш билан кутиб олди. Бухарестдаги ҳамма газеталар нутқнинг батафсил баёнини бугун эълон қилдилар.

КПСС Марказий Комитети делегацияси бошлиғининг Германия Бирлашган социалистик партияси съездида сўзлаган нутқининг баёни радио орқали бир неча марта эшиттирилди.

(ТАСС).

ҚОҲИРА

Жанубий Африка Республикасидаги Африка миллий конгрессининг Қоҳирадаги Африка ўюшмаси вакили Пилисо Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездида сўзлаган нутқига тўхталиб, бундай деди: «Мен аминманки, Совет Иттифоқи ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг томонида бўлди, ҳозир ҳам улар томонида турибди ва бундан бўён ҳам шулар томонида бўлади деб Хрушчевнинг айтган сўзларини Африкадаги, Осиёдаги ва Латин Америкасидаги барча халқлар табриклайди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар озодлик ҳаракатида қандай роль ўйнаётганлигини, улар мустамлакачилик қуллиги занжирларичи яқиндагина улоқтириб ташлаган мамлакатларга қандай катта ёрдам бераётганлигини биз биламиз. Хрушчевнинг Берлинда сўзлаган нутқи тинчлик учун, халқларнинг миллий озодлиги учун курашда Совет Иттифоқи тутган аниқ позициясини кўрсатувчи яна бир далил бўлиб хизмат қилади. Совет Иттифоқининг бу позициясини биз яхши биламиз ва тамомила қўллаб-қувватлаймиз». (ТАСС).

БУДАПЕШТ

Кеча Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси съездида сўзлаган нутқи баёнини радио орқали бутун Венгрия тинглади. Бугун марказий газеталар нутқнинг тўла текстини ёки батафсил баёнини эълон қилдилар. «Непсабадшаг» газетаси тинчлик учун кураш социализм учун курашнинг энг муҳим шартидир деб сарлавҳада таъкидлайди. (ТАСС).

РАДИОПРИЁМНИКЛАР ВА ТЕЛЕВИЗОРЛАР ОЛДИДА

ПРАГА, 16 январь. (ТАСС). Чехословакиянинг миллион-миллион эркаклари ва хотин-қизлари КПСС делегациясининг раҳбари, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Германия Бирлашган социалистик партиясининг VI съездида сўзлаган нутқини гоят зўр эътибор билан тингладилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи Чехословакиядаги барча радиостанциялар ва телевидение орқали эшиттирилди. Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари бу нутқдаги фикрларни ва унинг ғояларини қизғин маъқуллайдилар ва тамомила қўллаб-қувватлайдилар. Бу нутқда ҳозирги халқаро вазият ва дунёдаги кучлар нисбати чуқур марксча-ленинча анализ қилиб берилди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — АСОСИЙ МАСАЛА

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

□ □

Ҳар йили пахта терими маҳалида андижонликлар ҳосилни йиғиб олишга эл қатори киришадилар ва тезда олдинга ўтиб олишади, сўнг область негадир суръатни бўшаштириб, кейинчалик бир жойда туриб қолади, бошқа областларга бирин-кетин ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу ҳол ҳар қалай кейинги икки йил давомида такрорланиб турибди.

Хўш, Андижон областининг пахта етиштиришда оқсаб келаётганига сабаб нима? Нега андижонликлар етти йилликнинг тўрт йили давомида давлатдан 123 минг тонна «оқ олтин» қарздор бўлиб қолишди?

Бу ўринли саволлар қишлоқ область партия конференцияси делегатларининг ҳаққоний ва принципиал муҳокамасига сабаб бўлди. «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилган қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилувчи область партия комитети ташкилот бюросининг раиси ўртоқ А. Ҳайдаров ҳам, музокарада қатнашган нотиқлар ҳам областда пахта етиштириш соҳасида юз бериб келган хато ва камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар ва бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан қимматли фикр ва маслаҳатлар бердилар.

Андижонликлар ўтган йили она-Ватан хирмонига 670 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, совет кишиларининг табиат инжиқликларини енгиб ўтишга қодир эканликларини яна бир бор исботладилар. Область меҳнаткашлари давлатга гўшт, пилла, сабзавот, ғалла, жун, тухум топшириш планларини ошириб адо этдилар.

Айни пайтда конференция қатнашчилари жуда тўғри таъкидладиларки, колхоз ва совхозларда кўплаб ички имконият ва резервлар бор, бироқ қишлоқ хўжалигига малакали раҳбарлик қилинмагани оқибатида бу имкониятлар тўла ишга солинмай қолди. Областда ҳар гектар майдондан пландаги 27 центнер ўрнига 23 центнердан ҳосил йиғиб олинди, холос. 1961 йилда 109 хўжалик гектаридан 25 центнердан кам пахта етиштирган бўлса, бултур бу рақам 152 га етди. Андижон, Наманган, Избоскан, Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармаларидаги кўпчилик колхозларда ҳосилдорлиқ кескин камайиб кетди.

Бунинг асосий сабаби шуки, аввало, кейинги йилларда кенг майдонлардаги ғўзалар ёввойи ўтга бостириб қўйилмоқда, экинларни ҳашаротдан, хусусан, илдиз қурти, кўсак қурти ўргимчакканадан сақлаш, бу зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш учун қатъий чоралар кўрилмаётир.

Докладчи ва музокарада қатнашган ўртоқлар ўтган йили йўл қўйилган ана шу хатоларни кўрсатиш билан бирга кўкламга қандай ҳозирлик кўрилаётгани тўғрисида ҳам гапирдилар.

— Бу соҳадаги ишларимизни қониқарли деб бўлмайди, — деди Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳ. Мамажонов. — Ариқ-зовурларни тозалаш ҳозиргача тугалланмаган. Техника ремонти кечиктирилмоқда. Бироқ, кейинги кунларда ишлаб чиқариш бошқармаси, бошқарма партия комитети кузги-қишки ишларни тугаллаш ҳамда баҳорги мавсумга пухта тайёрланишга раҳбарликни ўз қўлига олди.

Чуст ишлаб чиқариш бошқармасидаги Навоий номли колхоз раиси ўртоқ Маҳмудов конкрет талабларни ўртага қўйди.

— Колхозимиз аъзолари, — деди у, — об-ҳаво ноқулай келган 1962 йилда ҳам ҳосилдорликни 6 центнер кўтара олдилар. Эришилган бу ютуқ бизда ички резервлар кўплигидан далолат беради. Лекин баъзан иш қизғин кетаётган кезларда трактор ва механизмларга запас қисмларни неча кунлаб қидиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Областнинг Москва, Балиқчи, Янгиқўрғон, Наманган ишлаб чиқариш бошқармаларида ер захини қочириш, чуқур коллекторлар очиш айниқса, ҳосилдорликни оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бироқ бу соҳадаги ишлар ҳозирги талаблар даражасида эмас. Наманган ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари И. Набиев, Избоскан район ижроия комитетининг раиси Тўхтасинов ўртоқлар область ташкилотларининг эътиборини шу масалага қаратдилар.

Конференцияда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ҳар бир ишчи, ҳар бир деҳқон ҳаётига коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидаларини чуқур сингдириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва жорий этиш партия ташкилотларининг, барча коммунист ва комсомолларнинг жонажон иши бўлиши зарурлиги яна бир марта таъкидланди. Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Шарқ» колхозининг сут соғувчиси Ашурова, Андижондаги «Янгиобод» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Т. Шамсиддинов, Марказий Фарғонадаги «Мингбулоқ» совхози биринчи бўлимининг бошқарувчиси Холиқулов ўртоқлар ўз тажрибалари ва улар ишлаб турган коллективларнинг меҳнат ютуқлари тўғрисида конференция қатнашчиларига сўзлаб бердилар.

Бу йил Андижон область қишлоқ меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорига жавобан давлатга 772 минг тонна ёки ҳар гектар майдондан ўртача камида 27 центнердан «оқ олтин» ҳамда кўплаб гўшт, сут, пилла, сабзавот, мева, жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш иштиёқига тўлиб-тошган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Янги тузилган ишлаб чиқариш бошқармалари бу умумхалқ ҳаракатида етакчилик ролини ўтайдилар, албатта.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Конференция муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Шунингдек, область партия комитети ва ревизия комиссиясининг составини сайлади.

Область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ўртоқ А. Ҳайдаровни қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ Г. И. Скоробогатовни обкомнинг иккинчи секретари ва Р. Файзиев, Р. Абдуллаев ўртоқларни обком секретарлари қилиб сайлади.

Р. РАҲМОНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» нинг махсус мухбири.

СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ КЕКСА АРБОБИ

А. С. СЕРАФИМОВИЧ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

<> <>

1924 йилда «Темир оқим» эпопеяси яратилди. Адабиётимизда катта воқеа юз берди. Бу асар бутун халқимизни тўлқинга солди. Жамоатчилигининг диққатини ўзига тортди. «Темир оқим» адабий симфония сифатида бутун мамлакатимиз бўйлаб жаранглади. 40 дан ортиқ тилларда ўқилди, қўлдан-қўлга ўтди, ундаги воқеалар, ҳодисалар ондан-оннга сингди, қаҳрамонлик оптимистик руҳи китобхоннинг қалбига мустаҳкам жо бўлди. Романнинг Кожух каби ажойиб қаҳрамонлари совет кишиларга учун ибрат намунаси бўлиб қолди. Асар ва унинг қаҳрамонлари беш йилликлар даврида, Ватан уруши йилларида, коммунизм қуриш эмонасида қаҳрамонликка, куч-иродали, доим тетик бўлишга чорламоқда. Демак, кожухлар коммунизм қуришда бизга йўлдош бўлмоқдалар

«Темир оқим»нинг совет адабиётига, жаҳон прогрессив адабиётига бўлган кучли таъсирини айтмасдан бўлмайди. Бу асар Д. А. Фурмановнинг машҳур «Чапаев» романи билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Ҳар икки асар ҳам гражданлар урушининг бадиий инъикоси сифатида шуҳрат қозонди. «Темир оқим» ва «Чапаев»нинг қиммати шундаки, совет адабиётида уларгача яратилган гражданлар уруши тўғрисидаги асарлар ичида энг мукаммали ва пухтаси эди. Ҳар икки асар гражданлар урушини кенг ва чуқур акс эттириб берганлиги учун ҳам барча совет ёзувчиларининг диққатини ўзига жалб қилди.

М. А. Шолохов, А. А. Фадеев, А. Н. Толстой, Н. А. Островский, К. А. Тренев, В. А. Лавренев, В. В. Иванов каби кўп санъаткорлар А. С. Серафимовичга эргашдилар ва ундан ўргандилар. М. А. Шолохов зўр миннатдорчилик билан бундай ёзади: «Серафимович шундай ёзувчилар бўғинига таллаўқлики, биз ёшлар улардан таълим олдик». «Темир оқим»нинг чуқур мазмуни, кучли характерлари, юксак шакли улар учун намуна бўлди.

А. С. Серафимовичнинг романи қардош халқлар адабиётининг ривожлантиришда ҳам гоят катта роль ўйнади. Бошқа қардош халқлар адиблари каби ўзбек совет ёзувчилари ҳам рус совет санъаткорларидан, шу жумладан кекса пролетар адиби А. С. Серафимовичдан доим таълим олмоқдалар.

«Темир оқим» Александр Серафимович (Попов)нинг босиб ўтган катта ижодий йўлининг самарали маҳсули сифатида майдонга келди. Адибимизнинг бутун адабий фаолияти «Темир оқим»га замин ҳозирлаш ва унинг традициясини давом эттириш ва ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Унинг биринчи асарларидан тортиб, то кейинги Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги очерклариға назар ташласак, бу ажойиб традицияга, бадиий маҳоратни юксалтириш принципига содиқ қолганлигига ишонч ҳосил қиламиз. А. С. Серафимович ўзининг 1889 йилда ёзган биринчи асари — «Мужа» ҳикоясидаёқ меҳнаткашларнинг оғир ҳаётини, зулматга қарши кураш мотивларини зўр маҳорат билан тасвирлади. Ундан кейинги ҳикоялари — «Тундирада», «Семишкура», «Кичик шахтер», «Йўлда», «Стрелкачи» ва бошқа кўп асарларида эксплуататорлар томонидан ҳақорат қилинган ва эзилган, азоб-уқубат чеккан халқ оммасининг турли-туман характерлари кўз олдимиздан ўта бошлайди. Ёш А. С. Серафимович мушкул ҳаётни таъкидлаш билан бирга кураш руҳини асарларининг мағзига сингдириб юборди. Бу асарлар автори китобхонлар орасида танита борди.

Санъаткорларнинг диққатини ўзига жалб қила борди.

Адибнинг биринчи ҳикоялари муваффақиятли чиқишига қатор сабаблар бор, албатта. Биринчидан у ҳаётни чуқур ўрганди, бадиий маҳоратни эгаллаб борди. Иккинчидан эса воқеликни ҳаққоний акс эттириб, даврнинг ҳиддиятларидан асосан тўғри хулосалар чиқара олди. Бунга эса у революцион онгининг уйғониши ва ўсиб бориши орқали эришди.

А. С. Серафимович гимназияда ўқиб юрган вақтларидаёқ Белинский, Добролюбов, Чернишевскийларнинг асарларини мутолаа қилган. Желябов, Халтурин каби революционерларнинг қаҳрамонона курашлари ҳақидаги ҳикояларни эшитган.

Петербург университетининг физика-математика факультетида студентлик даврида эса революцион тўгаракда фаол қатнашади. Карл Маркс асарлари унинг онгини ёрита бошлади. Улуғ доҳимиз В. И. Ленининг акаси А. И. Ульянов билан учрашишлари ҳамда, унинг подшоҳ Александр III га суиқасд қилиши, А. И. Ульяновнинг қатл этилиши А. С. Серафимовичнинг онгига қаттиқ таъсир этди. Бу фожиа мўъсафатари билан А. С. Серафимович революцион руҳ билан суғорилган чақириқ ёзади, бу чақириқ учун уни чор самодержавиеси қамоқ ташлайди. У сургунда революционер Моисенко билан яқиндан танишади. Сиёсий қарашларини чархлашда Максим Горькийнинг хизмати ҳам катта бўлди. Бу ҳақда у шундай ёзган: «Горький менинг ёзувчилик тақдиримни ҳал қилишда катта роль ўйнади, у ҳаммамизни революция атрофига бирлаштиришга эриша олди, юрагимизда революция алангасини ёндира олди, революцияга хизмат қилишга ундади».

М. Горький А. С. Серафимовичнинг баъзи асарларини таҳрир қилади, айримларини ўзи раҳбарлик қилиб бостириб чиқаради.

А. С. Серафимович дунёқарашининг такомилланишида, ижодига революцион руҳ киритишда В. И. Ленин ва унинг буюк таълимоти ҳал қилувчи роль ўйнади. Улуғ доҳий адибнинг фаолиятини кузатиб борди, унинг асарлари халқимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади: «ишчиларга ва бизга сизнинг ижодингиз қанчалик керак» деди. Улуғ Ленин таълимидан тобланган, ўсган ва улғайган А. С. Серафимович ижодининг бошидан охиригача адашмай тўғри йўлдан, марксистик йўлдан борди. Революцион руҳ, большевистик пафос биринчи ҳикояларидан ўтиб, 1905 йил рус революцияси тўғрисидаги асарларига кучлироқ кириб борди. Биринчи рус революциясига бағишланган «Кўчалардаги мурдалар», «Қандай осдилар», «Пресняда», «Кор ва қон», «Кумиш марши», «Шундай бўлди» ҳикояларида чор самодержавиесининг золимлигини, қутурганлигини, шафқатсизлигини, революцион кучнинг ўсиб боришини, халқ оммасининг қаҳрамонлигини акс эттирди. Революцион онгнинг уйғониши ва ташкил топиши кўпроқ «Тун ичида», «Бомба», «Шуъла» ҳикояларида ўз ифодасини топган. Бу асарларнинг характерли хусусияти шундаки, уларда оптимистик руҳ, кўтаринки пафос, ғалабага бўлган ишонч, келажакдаги бахтли ҳаётга умидвор бўлиш сезилиб туради.

Адибнинг «Чўлдаги шаҳар» романида капиталистлар, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциянинг турли характерлари чизилди. Роман муҳим даврни ўз ичига қамраб олган, унда буржуазиянинг туғилиши, тараққий этиши, синиши ҳамда ишчиларнинг жуда оғир турмуши, уларнинг ашаддий душман — капитализмга қарши кураши кенг тасвирланади. Буржуазиянинг жирканч башарасини, йиртқичлигини, очкўзлигини, чириган тузумни Захар Короедов характери орқали яққол кўрамиз. Реалист ёзувчи А. С. Серафимович ўз романида ҳаётни диалектик ўсишда, ҳаққоний равишда чизиб берди.

У Октябрь революциясини кенг қулоч ёзиб кутиб олди. Ўз асарларида орзу қилган озодлик рўёбга чиқди. Бутун кучини, ғайратини, талантини совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга, социализм ғалабасига қаратди. Бу олижаноб хатти-ҳаракатлари 1918 йилда — оғир гражданлар уруши — ҳаёт-мамот кураши вақтида уни Коммунистик партия сафига олиб кирди. А. С. Серафимович қаерда бўлмасин — «Правда» газетасининг мухбири сифатида гражданлар уруши ўти ичида, «Октябрь» журналининг редактори лавозимида, Улуғ Ватан уруши фронтида ижодчи-жангчи бўлиб, биринчи навбатда чин коммунист сифатида ҳаракат этди, курашди, меҳнат қилди. А. С. Серафимович қаерда бўлса, ўша ердаги характерли, муҳим воқеаларни, тиғик кишиларнинг қаҳрамонона фаолиятини қаламга олди. «Революция, фронт ва фронт орқаси» (1917 — 1920) номли китоб ҳам авторнинг гражданлар урушидаги фаол иштирокининг якуни тарзида майдонга чиқди. Бу китобда фронт ҳаётининг ўзига хос бадиий картинасини кўрамиз.

Қизил Армия курашининг турли босқичлари, оқ гвардиячиларга қарши жангларда қўшинларимизнинг жасурлиги, ватанпарварлиги, қизил аскарларнинг фронт ҳаётлари адибнинг ҳарбий очерклари ва мақолаларида кенг ўрин олди.

Бу китоби ҳамда олдинги ёзган асарлари «Темир оқим»нинг пайдо бўлишига катта имконият ҳозирлади. Айниқса кейинги ҳарбий очерклари «Темир оқим»нинг фрагментлари сифатида хизмат қилди. А. С. Серафимович босиб ўтган ижодий йўли билан, таланти, маҳорати билан, ҳамда марксизм-ленинизм таълимотини эгаллаши билан катта бадиий полотно яратишга ҳозирланган эди. Бу тайёргарлик «Темир оқим»нинг муваффақиятини таъминлади.

Автор бу асарни ёзишга гражданлар уруши тугаши билан киришди. Романнинг асосий мақсади — Улуғ Октябрь таъсири остида, гражданлар уруши ўти ичида халқимиз ongida юз берган туб ўзгаришларни бадиий умумлаштиришдан иборат. А. С. Серафимович социалистик онгнинг пайдо бўлиши ва ўсиш процессини тўлиқ ёритиб берди. Кураш ўти остида армияда темир интизом ўрнатилади, мақсад равшанлашади, командирлар билан оддий жангчилар ўртасида алоқа мустаҳкамланади. Бу ҳол озодлик ниятини рўёбга чиқаришга олиб келади.

Асарнинг бош қаҳрамони — халқ оммаси, тарихни яратувчи кучдир. Романда халқ оммасининг эзилишлари, оғир руҳий кечинмалари, курашни, тақдири очиб берилади. Асарнинг асосий лейтмотивларидан бири — қуршовда, оғир, мушкул шароитда ҳам руҳни туширмасликка, дадил бўлишга чорлашдир. В. И. Ленин 1920 йилда А. С. Серафимовичнинг катта ўғли фронтда ҳалок бўлиши муносабати билан унга ёзган хатида дадилликка, оғир кайфиятни енгиб ўтиб, меҳнатга қайтишга чақирган эди. Улуғ доҳийнинг бу доно маслаҳатлари адиб юрагига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Шунинг учун доҳийнинг бу улуғвор ғояси «Темир оқим»даги қизил ип каби ўтади.

Романдаги қаҳрамонлар онгининг ўсиши ўз-ўзидан юз бермасдан, балки революцион кучнинг фаол таъсири ва кўмаги туфайли рўёбга чиққан. Асарда бундай куч, асосан, большевик Кожух орқали берилади. Кожухнинг прообрази қилиб, Таман армиясининг командири, Қизил Армиянинг талантли командирларидан бири Ковтюх олинган. Асарда Кожухнинг халқ оммаси билан оқилона муносабатини, оммаанинг тарбиячиси ва ташкилотчиси аканлигини, унга темир ирода, дадиллик, жасурлик хислатларини кўрамиз. Кожух меҳнаткашларнинг юрагига йўл топади, уларни ўзига бўйсиндира олади, армияда темир интизомни ўрнатади. Ковтюх ҳаётда шундай эди, романда ҳам худди шундай акс эттирилди. «Темир оқим» катта ҳақиқат билан ёзилди, унинг барча образлари ҳаққоний равишда жаранглади. Асарни ўқиган Таман армияси жангчиларининг ўз командири Ковтюхдан «Серафимович қайси қисмда бўлган» деб сўрашлари асардаги воқеалар ва персонажларнинг нақадар ҳаққонийлигидан далолат беради. «Темир оқим»нинг улкан қиммати, катта аҳамияти ҳам мана шунда.

Замоннинг муҳим воқеаларига ўз ёгозини бидиришга зўр бериб урингган А. С. Серафимович беш йилликлар даврида «Колхоз майдонлари» романи устида қаламга тебрата бошлайди. Автор бу асарда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг кенг панорамасини чизиб беришни ниятлиб қўйган эди. Лекин асарини тамомлай олмади. Улуғ Ватан уруши даврида А. С. Серафимович ўз ўрнини фронтда деб билди. 80 ёшга чиққан кекса адиб совет кишиларининг фашизмга қарши курашда кўрсатган жасурлиги тўғрисида ҳикоялар, очерклар яратиб, жаҳонга совет кишисининг қудратини намойиш қилди.

Тинч даврга кирганимизда А. С. Серафимович қаламини уруш яраларини тугатиш, халқ хўжалигини кўтариш масалаларига қаратди. Улуғвор режаларимиз, қаҳрамон халқимизни олқишлайдиган қатор пухта очерклар яратди.

А. С. Серафимович 1949 йилда вафот этди. У умрининг сўнгги кунларигача ўзининг жонажон халқига, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига астойдил, жон-дили билан хизмат қилди. Совет ҳукумати ҳам адабиётимиз кекса арбобининг хизматларига юксак баҳо берди. Уни учта орден ва медаллар билан мукофотлади. А. С. Серафимович 1943 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Атоқли санъаткор, чин инсон, юксак ватанпарвар А. С. Серафимович ўз асарлари ва ажойиб қаҳрамонлари доим биз билан бирга. У коммунизм қуриш ишида фаол қатнашмоқда. Кекса адиб А. С. Серафимовичнинг қуйидаги сўзлари КПСС янги Программасида қўйилган асосий вазифа билан ҳамоҳанг бўлиб кетмоқда.

«Бизнинг мақсадимиз — коммунизм».

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

А. С. СЕРАФИМОВИЧ КЕЧАСИ

Бугун Тошкентдаги М. Горький номидаги рус драма театри биносида А. С. Серафимович туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган кеча ўтказилади. Кеча охирида С. Алёшининг «Палата» спектаклининг премьераси кўрсатилади. Кеча соат 19 да бошланади.

Пленум қатнашчилари касаба союзлари Ўзбекистон республика Советининг касаба союз кадрлари ва активини тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида президиумининг қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида касаба союзлари Ўзбекистон Советининг секретари А. В. Браиловнинг ахборотини тингладилар.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. ВЦСПС XI пленумининг қарорига мувофиқ, касаба союзлари республика Совети касаба союз органларини қайта қуришга қаратилган тадбирларни тасдиқлади, бунга ишлаб чиқариш принципи асос қилиб олинди.

Касаба союзлари Ўзбекистон ССР Советининг президиуми ҳузурида иккита ишлаб чиқариш бюросини: касаба союзлари Ўзбекистон Советининг саноат, қурилиш, транспорт ва шаҳар хўжалигидаги касаба союз ташкилотлари иши бўйича бюросини ҳамда касаба союзлари Ўзбекистон Советининг қишлоқ хўжалигидаги касаба союзлари иши бўйича бюросини тузишга қарор қилинди. Касаба союзлари Ўзбекистон Советининг секретари А. В. Браилов саноат бюросининг раиси қилиб, А. И. Иброҳимов эса қишлоқ хўжалик бюросининг раиси ва касаба союзлари Ўзбекистон Советининг секретари қилиб сайланди.

Тўртта областда — Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона областларида касаба союзларининг иккитадан мустақил Советлари — саноат ва қишлоқ область Советларини тузишга қарор қилинди.

Шунингдек, касаба союзларининг бир қанча область комитетларини тегишли равишда қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги касаба союз ташкилотларига раҳбарлик қилувчи 40 та область касаба союз комитетидан олтитаси ўз ишини жамоатчилик асосларида олиб боради. Районларнинг маъмурий бўлиниши ўзгартирилганлиги ҳамда 61 та колхоз-совхоз территориал ишлаб чиқариш бошқармаси ташкил қилинганлиги муносабати билан касаба союзларининг район тармоқ комитетлари тугатилди, шунингдек, ишлаб чиқариш бошқармаларига касаба союз ташкилотчилари тайинлаб қўйиш тартиби бекор қилинди. Пленум совхозлар салмоқли ўрин эгаллаган ва касаба союз аъзоларининг сони кўп бўлган бошқармаларда қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчи ва хизматчилари касаба союзининг территориал комитетларини тузишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Зарурат туғилишига қараб, бошқа касаба союзларининг территориал комитетлари ҳам ташкил қилинади.

Пленум Ўзбекистондаги касаба союз аъзоларининг бир ярим миллион кишилик армияси номидан Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин маъқуллади, Германия масаласини тинч ҳал қилиш тўғрисида ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездидаги нутқида айтган амалий таклифларни батамом қувватлади.

Пленум Ўзбекистон касаба союзларининг саккизинчи съездини 1963 йил сентябрь ойида чақиришга қарор қилди.

ВЦСПС саноат бюроси раисининг ўринбосари Л. И. Погребной пленумда нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков ўртоқлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Газетхонлар ХАТЛАРИДАН

БУХОРО ГАЗИ СВЕРДЛОВСКДА

Свердловск шаҳрига ҳам Бухоро гази етиб келади. Ўтган йили шаҳарда 40 минг квартира газлаштирилган эди. Бу йил яна 10 минг квартира газлаштирилди. Монтажчилар коллективи 1963 йилнинг охиригача Бухоро табиий газини қабул қилиб олишга тайёргарлик кўраётирлар. Газнинг кўп қисми саноат корхоналарига берилади.

Ўзбекистон санъат музейида Европадаги социалистик мамлакатларнинг рассомлари ишлаган плакатлар виставкаси ташкил қилинди. Суратда: виставкага келганлар стендга қўйилган плакатларни томоша қиляптилар.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗ КАСБИНИ СЕВГАН ҚИЗ

Тошкентдаги «Шарқ гули» фабрикаси ҳақида гап борганда ҳар бир кишининг кўз олдида гўзал ва нафис ипак билан тикилган чойшаблар, сўзаналар, гул кўрпалар гавдаланади.

Бу нафис буюмларни яратаётган чевар қизлардан бири Маъмура Хомидхўжаевадир.

Маъмура ёшлигиданоқ тикиш-бичиш каби ишларга ишқивоз чиқиб қолди. У ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам тикувчилик тўгараклари актив қатнашар, у тиккан буюмлар бежиримлиги билан ажралиб турарди.

Маъмура ўрта мактабни тугатгач, касб танлашда қийналмади: у тўғри етуклик аттестати билан «Шарқ гули» фабрикасига кириб келди.

Бу ерда Маъмурани тикув машиналари ва тенгқур дугоналари даврага олди.

Тикиш-бичишга қўли анча келиб қолган қиз фабрикада тезда кўзга кўрина бошлади: Фабрика ишчилари бу чевар қизни комсомол комитетига секретарь қилиб сайлашди. У уч йилдан бери комсомол комитетининг секретари.

Фабриканинг 3-цехидаги Маъмура бошчилик қилаётган биринчи бригада «коммунистик меҳнат бригадаси» номини олишга сазовор бўлди. Маъмура бу йил ишдан ажралмаган ҳолда енгил саноат техникумига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда. Фабрикада Маъмура сингари ўз касбини севган чевар қизлар жуда кўп. Ҳ. Саъдиева, М. Обидова ва М. Сойибназаровалар ана шундай илғорлардандир.

З. ШАҲОБИДДИНОВ.

„ЛЎЛИНИ АЛДАЙ ОЛМАЙСАН“

Ватанимиз пойтахтидаги «Ромэн» лўлилар театри Р. Бобожоннинг «Лўлини алдай олмайсан» комедиясини саҳналаштирди. Яқинда бу спектакль пойтахтлик томошабинларга тақдим этилди.

«Лўлини алдай олмайсан» пьесаси «Ромэн» театри учун махсус ёзилган бўлиб, Ўзбекистондаги колхозларда рус, украин, ўзбек, қозоқ ва бошқа миллатлар билан бир қаторда унумли меҳнат қилаётган лўлилар ҳаётини акс эттиради.

Спектаклни театр бош режиссёри С. Баркан билан актер С. Бизевлар саҳналаштирган. Асар музикасини С. Бугачевский ёзган.

Бу спектакль театр коллективининг Ўзбекистон ҳаётига бағишланган иккинчи ишидир.

Қудрат АҲМЕРОВ.

СПОРТ ХРОНИКАСИ

⊙ АШХОБОД шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган теннис бўйича Ўрта Осиё зона биринчилиги мусобақалари тугади. Республикамиз ёшлари — йигитлар учинчи, қизлар — иккинчи ўринларни эгалладилар.

⊙ МАРКАЗИЙ «Пахтакор» стадионининг шахматшашка клубида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида 1963 йилги республика шахсий биринчилиги учун бошланган кураш давом этмоқда. Чемпионатда барча область вакиллари ва Тошкент шаҳрининг энг кучли 16 шахматчиси иштирок этмоқда. Мусобақа 31 январгача давом этади.

⊙ ЧИРЧИҚНИНГ маҳаллий «Химик» футбол командаси мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди.

— Ўтган йилги эришган натижамиз бизни қаноатлантирмайди, — деди команда тренери А. Григорьянц мухбиримиз билан суҳбатда. Командамиз қобилиятли ўйинчилар ҳисобига тўлдирилди. Бу йилги вазифамиз жадвалнинг ўрта ўринларидан жой олишдир.

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти СССР спорт мастери М. Муҳиддиновнинг мактабларда шахматни энди ўрганаётган ҳаваскорлар учун мўлжаллаб ёзган шахмат дарслиги китобини босиб чиқарди.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

САМАРАЛИ ҲАЁТ

— Мавлон ака ғамхўр, ўткир фикрли, бир сўз билан айтганда — муҳтарам мураббия!

Ҳурматли педагог Раҳмонов ҳақида сўз борганда, унинг ҳамкасабалари ва шогирдлари доим шундай дейишади.

Ҳа, 60 баҳорни кўрган камтар, иродали Мавлон аканинг хизмати улкан! У кишиларнинг катта бахти, порлоқ тақдири учун яшаётган фазилатли одам: шу туфайли унинг қўлида тарбия кўрган фан доктори О. Содиқов, фан кандидатлари А. Бобожонов, И. Абдуллаев каби ўнлаб-юзлаб фарзандларнинг «ажойиб отамиз, моҳир тарбиячимиз бор», деб Мавлон аканинг номини ғурур билан тилга оладилар.

Бу мураббийнинг ҳаёт йўли кўп қиррали, улкан, самарали ва намуналидир. У ташкилотчи, ўқитувчи, назариячи, методист, илмий ходим. Мавлон акада ўқитувчига хос ажойиб хусусиятларнинг ҳаммаси мужассамлашган.

Мавлон Раҳмонов педагогик фаолиятини 1922 йилдан бошлади. Аввало бошланғич мактабларда, сўнгра VIII-XI синфларда тил ва адабиётдан, олий ўқув юртларида форс тилидан дарс беради. Унинг ўқувчиларидан 400 дан ошиқ киши олтин ва кумуш медаль олишга муяссар бўлди.

У «Грамматика ва орфография», «Каллиграфия», «Жонли ва адабий тил ҳақида», «Адабиёт ва Ленин» деган кўпгина илмий асарларнинг автори ҳамдир.

Киши руҳининг инженери бўлган Мавлон ака тил-адабиёт бўйича 30 йилдан буён дарс бериб, шуҳрат қозонди. Талабаларининг ибораси билан айтганда, Мавлон ака ўз касбининг устаси, унинг суҳбати, дарси кишини эритиб юборади, ҳузур қиласан, бир соатда бир олам илм оласан.

Дарсга пухта тайёрлик кўриш, ўқувчининг қалбига бутун вужуди билан кириб кетишга одатланган бу педагог болаларнинг чуқур ва атрофлича билим олишига интилади. Шунинг учун унинг ҳар бир сўзи, жумласи ўқувчилар хотирасида узоқ сақланиб қолади, унутилмайди.

Пойтахтимиздаги 162-политехника мактабининг моҳир педагоги Мавлон Раҳмонов маориф соҳасида 40 йилдан бери ёшларни тарбиялашдек фахрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

М. ВАЛИЕВ, И. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

ПЛАКАТЛАР ВИСТАВКАСИДА

Тошкент санъат музейида Европа социалистик мамлакатлари рассомларининг плакатлари виставкаси очилди. Бу ерда Польша, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Руминия, Чехословакия ва Болгария рассомлари ишлаган плакатлар бор.

Плакатларнинг кўпчилиги меҳнат, тинчлик темасига бағишланган. Плакатларда Ленин образи, инсониятнинг тинчлик учун кураши, социалистик лагерь мамлакатларининг коммунизм қуриш йўлидаги ғалабалари сермазмун, турли рангдаги нафис бўёқларда моҳирона ифода этилган.

Руминия рассомлари музика конкурслари, фестивалларга, санъат виставкаларини пропаганда қилувчи плакатлари билан қатнашганлар. Болгариялик рассомларнинг кино фильмларга ишлаган плакатлари ҳам диққатга сазовордир.

О. АПУХТИН.

АВТОМАТ СПРАВОЧНИК

Қозон вокзалининг доира шаклидаги залида янги ажойиб вивеска — «Справочник» пайдо бўлди. Залдаги деворларнинг бирида Совет Иттифоқининг улкан картаси кўзга ташланади. У ранг-баранг пластик материаллардан ишланган. Карта марказида Москва манзараси. Бу ердан мамлакатимизнинг турли бурчакларига темир йўл линиялари таралган. Бу — Қозон вокзали перронидан жўнайдиган пассажир поездлари ҳаракатининг маршрут картасидир. Пойтахтнинг энг тўғриси бу вокзалидан ҳар куни 56 пассажир поезди мамлакатнинг турли томонларига жўнатилади.

Поездларнинг маршрути қандай? Карта рўпарасида пульт, унга шаҳарнинг номлари альфавит тартибида ёзиб қўйилибди. «Тошкент» сўзи ёзилган кнопнани босамиз. Картада Қозон вокзалидан Ўрта Осиё марнази томон чўзилган узун чизиқ ёнади. Бу линияда поезд Тошкентгача босиб ўтадиган ўнлаб йирик шаҳарлар ва кўп тармоқли станциялар кўринади. Махсус таттада эса Москвадан Тошкентга борадиган поездларнинг келиши ва жўнаш вақтини ўқиш мумкин.

Залнинг бошқа томонида яна бир катта электрлаштирилган карта — Москва метросининг схемаси қўйилган. Бу карта ёрдамида йўловчилар Қозон вокзалидан ўзлари борадиган жойгача қандай етиб олишлари мумкинлигини аниқлаб оладилар.

Мана, яна бир ажойиб электрлаштирилган тахта турибди. Ундаги «меҳмонхона» дейилган кнопкани боссангиз, кўз олдингизда Москва меҳмонхоналарининг адреслари ёзилган ўнлаб чироқчалар ёнади.

«Справочник»да шунингдек, аэропортлар, дарё портлари, театрлар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари ва бошқаларнинг адресларини ҳам билиш мумкин.

Техника комиссияси электрлаштирилган стендларни қабул қилиб олди. Қозон вокзалидаги справкалар берадиган бу янги зал яқин кунларда очилади.

25 ЙИЛ

Фрунзе район кутубхонасида истаган китобингизни топишингиз, саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Шинам, ёруғ бино доим китобхонлар билан тўла. Пенсионерлар, ўқитувчилар, инженерлар, уй ишлари билан банд бўлган оналар, хуллас турли касб эгалари бу ерда ўзлари севган китоб, журналларни ўқиб ҳордиқ чиқарадилар.

Кутубхона штатсиз ташкилотчиларининг намуна бўладиган ишлари кўриб қувонасиз. Улар 23 та кўчма кутубхона, фото витриналар, альбомлар ташкил қилишди.

Ҳозир кутубхонанинг китоб фонди 40.000 нусхадан ошди. Яқинда кутубхона ўзининг 25 йиллигини нишонлади.

С. ШАПИРО.

БОРЖОМ ЯМАНДА

СССР Ташқи савдо министрлигининг Грузия Министрлар Советидаги вакили адресига қуйидаги мазмунда хат келди: «...Яманга синаб кўриш учун юборилган Боржом минерал суви қисқа вақтда харид қилинди. Совет минерал сувига бўлган эҳтиёж жуда катта. Навбатдаги 30 минг шиша минерал суви юборишингизни илтимос қиламиз».

Грузияга шунга ўхшаш талабномалар дукёнинг турли мамлакатларидан тез-тез келиб турибди. Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Канада, Эрон, Афғонистон, Гана каби мамлакатларги дунёга машҳур бўлган Боржом минерал суви юборилмоқда.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

БАРАКАЛЛА, ЖАМИЛ!

«ЕЦ 83-83» номерли автобус йўловчилар билан тўла. Автобус йўлдаги остановкаларда тўхтамасдан, Қўқондан тўппатўғри Ойпан томон йўл олди.

Автобус Ойпандан қайтгач, автобазада тўхтади. Шофер Жамил Арутюнов ҳар сафарги одати бўйича автобусни кўздан кечира бошлади. Шу пайт автобуснинг бир бурчагида ётган ҳамёнга кўзи тушди. Очиб қараса: 130 сўм пул.

Ажабо, нима қилиш керак? Жамил шу кундан пул эгасини қидиришга бошлади.

Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Чек кўприк қишлоғида яшовчи Пўлат Асрорқулов дам олиш кунларидан бирида автобусда кетаётганида ҳамёнини йўқотганлигини автобаза маъмуриятига маълум қилди.

Текшириб кўрилганида, юқоридаги 130 сўм пул П. Асрорқуловники эканлиги аниқланди. Пул эгасига қайтарилди.

Совхоз ишчиси Т. Асрорқулов ва автобаза ходимлари одий совет кишиси — шофер Ж. Арутюновнинг олижаноб ҳиммати учун унга «Баракалла, Жамил!» дейишди.

Р. ҲАМДАМОВ, «Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ЎНБЕШ КУНДА ЎНБЕШ МИНГ...

Кейинги ўнбеш кун ичида пойтахт аэропортидан олти юз марта ҳаво лайнери осмонга кўтарилди. Ҳаво кораблларида ана шу ўнбеш кун ичида мамлакатнинг турли шаҳарларига 15.000 йўловчини элтиб қўйди, 120 тонна халқ хўжалиги юкини ташиб берди.

Учувчилар Тошкент кабель ва абразив заводларининг маҳсулотларини Урал ва Волгага, Ўзбекистон чорвадорларининг қоракўл терларини Москва ва Ленинградга элтмоқдалар.

«ИЛ-18» самолётлари ҳам пойтахт аэропортига тез-тез қўнадиган бўлиб қолди. Ўтган йили аэропорт ҳар куни беш-олтита «ИЛ-18» ҳаво лайнерини қабул қилган бўлса, ҳозир тўққиз-ўн машинани қабул қилмоқда.

М. ВИШЕДСКИЙ.

САТРЛАР

Чуст районидаги «Қўқимбой» совхозининг Карл Маркс номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Қорасув», Рокоссовский номли бўлимларида новвойхоналар қурилиб, ишга туширилди.

К. РАҲИМОВ.

●

«Узсельхозтехника» бирлашмаси Балиқчи район бўлими тўрт ойлик тракторчилар курси очди. Курсда 34 йигит ва қиз тракторчилик касбини ўрганмоқда.

И. АБДУЛЛАЕВ, У. АБДУЛЛАЕВ.

●

Шовот район «Ижтимоият» қишлоқ Советида ги «Партия XIX съезди» колхозида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи янги магазин қурилди. Магазин харидорларга намунали хизмат қилмоқда.

Б. ҚУРБОНБОЕВ.

ЎПКАДАГИ ЧЎП

Операция столи устида врачларни ҳайратга солувчи қизиқ бир воқеа юз берди. Бемор Виталий Лоберннинг ўпкасидан 5 сантиметрча узунликдаги чўп чиқди. Бундай ҳодиса медицинада жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам врачлар ўпкада чўпнинг қандай пайдо бўлгани билан қизиқдилар.

Маълум бўлишича, Виталий 12 ёшида чангалзорга йиқилиб тушган. Уни касалхонага келтиришиб, ўнг биқинидан тиканларни териб ташлашган. Кейинчалик рентген кузатилганда, унинг ўпкасида қандайдир доғ кўринади ва Виталийни сил касали билан оғриган, деб гумон қилишиб, даволашга юборишади. Бироқ ўпкадаги доғ йўқолмайди.

Марғилон шаҳридаги силга қарши кураш диспансерида унинг ўпкасини операция қилиб, ундаги иллатни олиб ташлашга қарор қилинди. Тажрибали врач Раҳимжон Эгамбердиев бошлиқ врачлар бу операцияни муваффақиятли ўтказдилар. Чўп бемор чангалзорга йиқилган пайтда унинг ўпкасига кириб қолган экан. У ўпкада 8 йил сақланган. Виталий ҳозир бутунлай соғайиб кетди.

А. ТОЛИПОВ.

КОЛХОЗЧИЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛСИН

Қува районидаги «Социализм» колхозининг биринчи участкасида сув ёзда эмас, қишда танқис. Жанубий Фарғона каналининг суви куздан то баҳоргача тақа-тақ тўхтайди. Сув 2-3 километрдан ташиб ичилади.

Колхозчилар ўзлари ташаббус кўрсатиб, труба ётқизишган эди. Аммо, насос йўқлиги сабабли, труба ҳам бефойда бўлиб қолди. Колхозчилар талаби эса ҳамон эътиборсиз қолмоқда.

Х. АБДУКАРИМОВ.

ЖАЗОИР ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Жазоир журналистларидан — Жазоир Миллий озодлик фронтининг органи — «Алшаоб» газетасининг сиёсий редактори Айёд Алхож ва шу газетанинг ходими Акроний Жамол бир неча кун мобайнида Ўзбекистон меҳнаткашларининг турмуши билан таништилар. Улар СССР Журналистлар союзининг таклифи билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибдилар.

Чет эллик меҳмонлар Тошкентнинг саноат корхоналари, илмий ва маданий оқартув муассасаларида бўлдилар, Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан учрашдилар. (ЎзТАГ).

ЙИГИРМА ЙИЛ ЎТГАЧ...

Раҳмат бугун ишдан эртароқ қайтди. Ечинди-да, одати бўйича ювинди, уйга кириб эндигина стулга ўтирганэдики, ичкаридан Рисолатнинг «чой ичмайсизми?» деган овози эшитилди.

— Кейинроқ, — жавоб берди Раҳмат «Огонёк» журналини варақлаб туриб.

Шу пайт эшик тақиллади. Раҳмат «мумкин» дейишга ҳам улгурмасдан уйга Халилбек кириб келди:

— Табриклайман, дўстим! Суюнчига нима берасан?!

— Нима гап ўзи, Халилбек, бунча ҳовлиқмасанг?

— Нима гап дейсан-а! — Халил Раҳматнинг хотини Рисолатга ўгирилди ва «буни қаранг» дегандай ишора қилиб қўйди. Рисолат ҳам нима гап эканлигига тушуна олмади. Халилбекнинг ишорасига жавобан майин табассум қилди ва йиғлаётган кичкина Жамиласини қўлига олди.

— Айт майли, ваҳимачи, суюнчисига бош-оёқ сарпо!

— Яхшиси мен билан бирга юр. Сени партбюрога чақиришяпти, ўша ерда биласан, ҳозирча сир.

Раҳмат ўйланиб қолди: қизиқ, нима гап экан ўзи? Партбюрога нега чақиришади. Ҳар ҳолда яхшилик бўлса керак. Халилбек суюниб юрибдику! Унинг ҳаёли алдақачонларга кетди.

Раҳмат ширин хаёллар оғушида партбюрога кириб борди.

— Салом, Пётр Митрофанович!, — у секретарь билан илиқ кўришди.

— Раҳмат, — деди партком секретари стол тортмасидан зангори конвертни оларкан, — Қавм-қарин до ошингдан хат келди.

— Қанақа қариндошимдан, Пётр Митрофанович! — ўнгайсизланиб сўради Раҳмат. — Менинг ҳеч бир қариндошим йўқ-ку?!

— Қаерда туғилгансан?

Ҳужжатларимда «Қашқадарё область, Деҳқонобод район, «Деҳқонобод» қишлоғи» деб ёзилган.

Пётр Митрофанович худди ўша Деҳқонободдан, Жўра Шукуров деган кишидан келибди. Акангиз шекилли?

Ҳангу манг бўлиб қолган Раҳмат ишонар-ишонмас конвертни олди-да, хатни секин ўқий бошлади. «1942 йил эди. Мен ва отам урушга кетдик. Болалар уйида 6 яшар укам Раҳмат ва 4 яшар укам Тоғайнизарлар қолиб кетган эди. Мен урушдан қайтдим. Суриштирсам, Деҳқонободдаги болалар уйини қаергадир кўчиришган экан. Қидириб тополмадим. Укаларимни ҳозиргача тополмай юрибман». Раҳмат беихтиёр «худди ўзи!» деб юборди ва севинганидан «акам ҳам бор экан!» деди.

Раҳматнинг дўстлари уни чин қалбдан табриклашди. Идора раҳбарлари Деҳқонободга бориб келиш учун ўн кун рухсат беришди. Шахтадаги бутун дўстлари, қўни-қўшнилари Раҳмат, Рисолат ва жажжи қизчаси Жамилани Сурхондарёга хурсандчилик билан кузатиб қўйишди.

Раҳмат йигирма йилдан кейин қандай топилди деган савол туғилиши турган гап.

1962 йилнинг 10 октябрь куни эди. Деҳқонободлик Жўра Шокиров (Раҳмат Шокировнинг акаси) кечқурун дам олиш пайтида радиоприёмникнинг қулоғини буради. Дикторнинг салмоқдор овози жаранглади: «Ташкентдан гапирамиз. Шахтёрларга бағишланган концертимизни бошлаймиз...».

Концерт бошланди. Қандайдир оромбахш куй тамом бўлгач, дикторнинг таниш овози эшитилди. «Ҳозир Оҳангарон кўмир майдалаш цехининг илғор ишчиси, Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Раҳмат Шокировга бағишлаб ашула ва қўшиқлар эшиттирамиз...!

— Раҳмат Шокиров!!! Оҳангарон! Кўмир майдалаш цехи!

Радио тинглаб ўтирган Жўра Шокировнинг юраги алланечук бўлиб кетди. — Тағин бедарак йўқолган укам шу бўлмасин? Ийғ-е, ўхшаш исм-фамилиялар оз дейсизми?! Оҳанга ронлик ишчи Раҳмат Шокировнинг ўз укаси эканлигига жуда ишонгиси келарди.

Жўра Шокиров оила аъзоларига ҳам билдирмай Оҳангаронга хат ёзди.

Мана, Деҳқонободдан олти ёшида чиқиб кетган ёш Раҳмат йигирма олти ёшда кириб келди. Уруш йиллари болалар уйида тарбияланган Раҳмат бугун «қора олтин» шаҳри — Оҳангарон шахтасида илғор ишчи, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси. У ҳарбий хизматни тамомлаб, комсомол йўлланмаси билан бу ерга ишга келганига ҳам 5 йил бўлди.

Раҳмат йигирма йил қариндош-уруғларидан, жигарғўшаларидан айрилиқда яшади. Лекин жонажон Совет ҳукумати, улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва қаҳрамон халқ Раҳматни ўз онаси каби, ардоқлаб ўстирди, таълим берди. У шу йиллар мобайнида кўп миллатли ижодкор совет кишиларидан кўплаб ёру дўст орттирди, қозоқ қизига уйланди, болали бўлди.

Туғилган ва ўйнаб ўсган она юртини йигирма йилдан кейин кўрди. Раҳмат ўз акаси, қариндош-уруғлари билан танишди ва янгиданянги эзгу ниятлар, куч ва ғайратлар ила қадрдон шахтасига, Оҳангаронга қайтиб кетди...

Абдижон РАҲИМОВ, Мингқобил МЕНГЛИЕВ.

ЭГИЗАКЛАР

Термиз район, Октябрь қишлоқ Советига қарашли Ленин номли колхоз аъзоси 30 ёшли Ўғилмурод Турдиева уч фарзанд: икки ўғил ва бир қиз кўрди. Қизнинг исмини Фотима, ўғилларининг исмини эса Ҳасан-Ҳусан қўйдилар.

А. БОТИРОВ.

ГРУЗАЛ

Грузия чой плантацияларидами, Цейлондами, Хитойдами ёки Ҳиндистондами, майли, дунёнинг қайси плантациясидан келтирилган чой ярроғи бўлмасин, у бизнинг кўхна Самарқанд шаҳримизнинг чой қадоқлаш фабрикасида ўлчанади, пачкаларга солинади. Бу фабрикада ишлаб чиқариш процессларининг ҳаммаси ҳозир тўла автоматлаштирилган. Сиз кўриб турган бу суратда автомат чойларни пачкаларга солмоқда.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СУД ЗАЛИДАН

ҚОТИЛ ОТИЛДИ

Янгийўл районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг сувчиси Суннатбой Мирзаалиев хотинига бой-феодалларча муносабатда бўлди. 1948 йилда биринчи хотинини 2 боласи билан уйдан ҳайдади, болаларининг ҳолидан хабар олишни ҳаёлига ҳам келтирмади. 1955 йилда 15 ёшли Татти Соғиндиновани турли ҳийлалар билан алдаб, хотиниликка олди. Татти 1958 йилда қиз туғди. Суннатбой Таттихонни ҳам калтаклайдиган, кўчага чиқармайдиган одат чиқарди. Суннатбойнинг бу азобларига чидай олмаган Татти милициядан бориб, эри ҳақида хабар бермоқчи, уни тартибга чақиртириб қўймоқчи бўлди. Бундан хабар топиб қолган Суннатбой Таттининг йўлини пойлади ва 7 жойига ўроқ билан уриб, бир ярадор қилди. Татти Соғиндинова кўп ўтмай вафот этди.

Суд залидагилар Мирзаалиевга нафрат кўзи билан қарадилар. У судда бутун айбини бўйнига олди. Тошкент область суди қонҳўр С. Мирзаалиевни отиб ўлдиришга ҳукм қилди.

Ҳукм ижро этилди.

А. ЕРИКАЛОВ, Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси, юстиция младший маслаҳатчиси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ёш созандалар даврасида** (мактаб ўқувчилари учун), 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.00 — **Акмал Пўлат** («Қўшиқчи шоирлар» циклидан).

Рус тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.35 — **Концерт** (телетомошабинлар талабига мувофиқ), 21.40 — **Чет эл кинохроникаси**, 21.50 — В. Шекспирнинг **Ун иккинчи кеча** номли экраналаштирилган комедияси, 23.20 — **Дўстларимиз ҳузурида**, 23.50 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Қиш ҳақида** («Йил фаслларн» циклидан), 18.45 — **Етти йиллинда** (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 19.05 — **Ишлаб чиқариш илғорлари** (саноат ходимлари учун), 19.25 — **Революция куйчиси** (А. С. Серафимович туғилган кунинг 100 йиллиги муносабати билан), 19.45 — **Чақириқ** номли ҳажвий бадиий фильмининг биринчи, серияси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Масхарабозлар ва ноғилар** бўлими, 20/I да кундуз **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Ҳамза**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Номус**, 20/I да (кундуз ва кечқурун) **Олов**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/I да **Равшан ва Зулхумор**, 20/I да кундуз **Икки билагузук**, кечқурун **Уч баҳодир**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 20/I кундуз соат 2 ва 21/I кеч соат 7 яримда Ўзбек давлат эстарадаси солисти **Фахриддин Умаров** концертлари (билетлар сотилган.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 20/I кундуз соат 1 яримда мактаб музика абонементи бўйича 7, 8, 9, 10, 11-синф ўқувчилари учун: **«Ўзбек оммабоп музика ва қўшиғи нима»** деган темада **суҳбатли концерт**. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, солист **Клара Жалилова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Зинаида Тарасова ва Украина цирки гастролларининг сўнгги кунлари.** Кеч соат 7 яримда бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

1963 йил 28 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совет мажлисида (Т. Шевченко кўчаси, 52-уй, Олимлар уйининг конференц-зали) қуйидагилар биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Диссертация ёқлайдилар

Р. К. Трофимова: «Гўза баргидаги нитрат ва неорганик фосфат миқдори — унинг азот ва фосфор билан таъминланганлигининг кўрсаткичи» деган темада.

А. А. Кан: «Ўзбекистон ўсимликларининг илдиз ширасн (фауна, систематика ва биологияси)» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06640. Индекс 64543. Нашр. № 16.